БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 6 июль Жума
№ 126 (13. 562).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVIII съезди тўғрисида АХБОРОТ

1990 йил 5 июль куни Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVIII съезди ўз ишини давом эттирди.

Съезднинг аввалги мажлисида тузилган секцияларда партияни ташкилий-сиёсий жиҳатдан янгилаш, унинг мафкуравий ишларини такомиллаштириш, советлар, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар билан ҳамжиҳатлиги масалалари юзасидан мунозаралар бўлди.

КПССнинг ҳозирги босқичдаги миллий сиёсати масалалари ғоят хавотирлик билан, вазминлик билан муҳокама қилинди.

Партиянинг қайта қуриш давридаги ижтимоий-иқтисодий ва аграр сиёсати муаммолари юзасидан ўткир мунозара бўлиб ўтди.

КПССнинг тараққийпарвар хорижий партиялар ва ҳаракатлар билан алоқаларини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга қаратилган халқаро фаолияти ҳар томонлама муҳокама қилинди ва чуқур таҳлил этилди.

Делегатлар ишлаб чиққан тавсиялар ва таклифлар съезднинг ялпи мажлисида муҳокама этилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. КАРИМОВ нутқи

Ҳурматли депутат ўртоқлар! Жамиятда, халқда ҳозир норозилик шу қадар кўпайдики, ҳатто ўйланмай қўйилган битта нотўғри қадам ҳам партияни ва бутун мамлакатимизни ажралишга ва фалокатга олиб келиши мумкин, бу бизнинг ҳаммамизга равшан бўлиши керак. Ўзбекистон делегацияси ўз коммунистларидан бунга йўл қўймаслик учун мумкин бўлган ҳамма ишни қилиш тўғрисида наказ олган. Улар партиямиз бошидан кечираётган чуқур тангликни бартараф этиш мумкинлигига ишонадилар. Ва бу ишонч жумҳурият Компартияси XXII съезди резолюциясида таъкидланган. Михаил Сергеевич Горбачевнинг маърузасида бу тангликдан чиқишнинг принципиал йўллари кўрсатиб берилган. Ўртоқлар, муҳокама қилинаётган масалаларга доир мавқеимиз ва уларга бераётган баҳомизни қисқача айтиб ўтишга рухсат бергайсиз.

Биринчиси. Биз партияни янгилаш тарафдоримиз. Жипслаштирувчи ва бирлаштирувчи куч бўлишга қодир партия, одамларнинг эҳтиёжлари ва орзу-умидларини қаноатлантирадиган, социалистик мақсадлар ва орзу-умидларга эришиш учун меҳнаткашларнинг, ишчилар ва деҳқонларнинг ҳаракатига бошчилик қила оладиган партия тарафдоримиз. Ҳозир фақат тубдан янгиланган партия, мустаҳкам интизомга асосланган кучли партиягина ўзи бошлаган қайта қуришни охиригача етказа олиши мумкинлиги ҳам бизга тобора равшан бўлмоқда.

Структура қурилиши тўғрисида. Биз КПСС умумий ҳаракат режалари ва ягона уставга, Марказий Комитетга эга бўлган жумҳурият Компартияларининг иттифоқи, деб биламиз. Биз КПСС тузилишининг территориал ишлаб чиқариш қоидаси тарафдоримиз, бошланғич партия ташкилотлари ҳуқуқларининг устунлигини таъминлаш тарафдоримиз. Бунда биз фракцияларга бутунлай қаршимиз ва партияда фақат бир тусдаги — марказ омманинг назорати остида ҳаракат қиладиган ва унинг иродасини ифодалайдиган демократик централизмни тан оламиз.

КПССни янгилаш, партия ички турмушини демократиялаш жараёнида иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг мустақиллиги тўғрисидаги масала алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Очиғини айтамиз, ўртоқлар, жумҳурият Компартиясининг мақоми ҳозиргача вилоят партия комитетининг мақомидан жуда кам фарқ қилади. Биз Ленининг партия тан олган ҳар бир комитет, иттифоқ, ташкилот ёки гуруҳ фақат мазкур жойга, мазкур районга, мазкур миллий ҳаракатга тааллуқли ишларни олиб боради, деган фикрини бутунлай унутиб қўйдик. Эндиликда шу ҳам айниқса муҳимки, ҳозирги кўп партиявийлик шароитида бунингсиз жойларда пухта сиёсатни ўтказиб бўлмайди. Оммани ишонтириш ва ўз орқасидан эргаштириш мумкин бўлмайди.

Ўзбекистон коммунистлари мустақиллик ўз программасини ишлаб чиқишда, ўз ҳаракат тактикасини, кадрларга доир сиёсатини танлаб олишда, ўз бўлинмалари тузилишини, молиявий ва ноширлик ишларини белгилаб олишда, иттифоқдош республикалар ва чет мамлакатлар коммунистик партиялари, жамоат ҳаракатлари билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик қилишни ривожлантиришда иттифоқдош республика Компартиясининг тўла мустақиллигини билдиради, деб ҳисоблайдилар. Бунда жумҳурият Компартияси КПССнинг умумий программаси ва уставига амал қилиши лозим, албатта. Бу программа ва уставда партиянинг стратегик мақсадлари, жамиятни ривожлантиришнинг социалистик йўналишлари принцип жиҳатидан белгилаб қўйилиши лозим.

Иккинчиси. Иқтисодиётдаги оғишлар ва бузилишлар, ижтимоий ва миллатлараро зиддиятлар, ўзаро ишончсизлик, эртанги кунга умидсизлик ҳолати қайта қуриш жараёнларининг қонуний оқибати эмаслиги докладда тўғри таъкидланган. Шу билан бирга Марказий Комитет ва унинг раҳбарияти фаолиятида воқеаларни олдиндан кўра билиш ва уларнинг олдида бориш, биринчи навбатда бажариладиган устун ишларни тўғри белгилаб олиш, белгиланган режаларни амалга оширишда қатъийлик ва изчиллик кўрсатиш маҳорати етишмаяпти — буни тан олиш керак.

Ўзаро миллий муносабатларга алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган миллатлараро қарама-қарши туриш ва тўқнашишлар келтираётган даҳшатларни, вайронагарчиликларни, одамларнинг бошига тушган жуда катта кулфат ва уқубатларни, ўша ўнглаб бўлмайдиган қурбонлар ва маҳрумликларни кўрмай қолмаймиз, кўрмасликка ҳаққимиз ҳам йўқ. Энг хавфлиси шундаки, баъзи жойларда одамлар онгида уйғонаётган, мен яна такрорлайман, баъзи жойларда уйғонаётган миллий мумтозлик ва устунлик туйғуси миллатлар ва элатлар ўртасида юзлаб йиллар давомида вужудга келган бир-бирига ҳурмат ва яхши қўшничилик муносабатларини барбод қилиб юбориши мумкин.

Буларнинг ҳаммасига тегишлича баҳо бермасликка умуман йўл қўйиб бўлмайди. Афсуски, КПСС Марказий Қомитетининг миллий масалага доир ҳаракат дастури ҳамда сўнгги вақтда қабул қилинган бошқа кўпгина ҳужжатлар миллатлараро муносабатларни барқарор этишга амалда тегишлича таъсир ўтказмаётир. Бизнингча, бундай аҳволдан чиқишнинг бирдан-бир йўли — шошилинч равишда янги иттифоқ шартномасини ишлаб чиқишни бошлаб юборишдан иборат, бу шартномада ҳар бир жумҳуриятнинг суверенитети ва миллий давлат тузилиши, жумҳуриятлар ихтиёрий равишда марказга берадиган ваколатлар қатъий белгилаб қўйилиши лозим. Бунда масалани Федерацияни иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлашдан энг аввало жумҳуриятларнинг ўзлари манфаатдор бўладиган тарзда қўйиш керак. Барча ўзаро муносабатларимизнинг пойдевори бўладиган бундай ҳужжатни қабул қилишдаги кечикиш шунга олиб бордики, иттифоқ даражасида қабул қилинаётган қонунлар ва қарорларнинг кўпи ишламаяпти ва бундан кейин ҳам ишламайди — буни ҳам тан олиш керак.

Ниҳоят, учинчиси. Ушбу шартнома жумҳуриятлар ўртасидаги, шунингдек жумҳуриятлар билан Марказ ўртасидаги янги иқтисодий алоқаларга асос қилиб олиниши лозим. Мамлакатнинг ночор иқтисодий ва молиявий аҳволи, пулнинг тобора қадрсизланиши, истеъмол бозорининг барбод бўлиши — булар жамоа меҳнатининг, ҳар бир иттифоқдош жумҳурият хўжалиги амал қилаётган Иттифоқ халқ хўжалиги комплекси ишининг натижаси эканлигини тушуниб турибмиз. Ҳозир улардан ҳар бирининг «улушини» алоҳида ажратиш умуман мумкин эмас. Бунга ҳозир эҳтиёж ҳам бўлмаса керак. Аммо биз эртага, докладда айтилганидек, тенг ҳуқуқли, мустақил жумҳуриятларни бирлаштирувчи янгиланган федерацияда яшар эканмиз, у ҳолда шундай қилишимиз зарурки, токи биз ана шу мустақилликни оғизда эмас, балки амалда ҳис этайлик. Энг муҳими эса, ниҳоят, унитар давлат шароитида вужудга келган муаммоларни ва чигалларни ҳал қиладиган ва ечадиган бўлайлик.

Жуда бой хом ашё ресурсларига, ноёб табиат-иқлим шароитига эга бўлган Ўзбекистон жумҳуриятда етиштирилган маҳсулотнинг асосий қисмини хом ашё ва ярим тайёр маҳсулот сифатида ташқарига чиқараётганини нима билан изоҳлаш мумкин? Пахта, пилла, қоракўл тери, мева-сабзавот эвазига нима учун жумҳурият бунинг ўрнини қоплайдиган маҳсулотни олмаяпти? Мамлакатнинг пахта мустақиллигини таъминлаган жумҳурият «пахта иши», қатағонлар, оммавий қонунсизликлар майдонига айланиб қолдики, бу одамларнинг миллий қадр-қимматини камситмоқда.

Ленинча миллий сиёсатнинг тараққиёт даражасини тенглаштириш тўғрисидаги бош шиори ҳали ҳам мавжуд экан, у ҳолда нима учун жумҳурият аҳолисининг бешдан бир қисми доимий иш билан таъминланмаган? Нима учун аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад Иттифоқдаги ўртача даражадан икки баравар кам, асосий истеъмол моллари ва хизмат билан таъминлаш даражаси эса мамлакатда нима учун энг паст даражада турибди? Меҳнатсевар ва истеъдодли халқ яшаётган жумҳурият қандай қилиб ана шундай аҳволга тушиб қолди?

Биз бу принципиал саволларга жавоб топишга мажбурмиз. Халқ эски хатоларни такрорлашни эмас, ҳаракат қилишни кутмоқда, ахир. Халқ баландпарвоз гаплардан, тўхтовсиз баҳслар ва ваъдалардан чарчади. У узоқ келажакда эмас, балки ҳозир муносиб яшаши керак. Бунга унинг ҳақи бор. Бозор муносабатларига ўтиш даврининг барча қийинчиликлари тўғрисида рўй-рост ва очиқ айтиладиган бўлсагина, айниқса аҳоли қашшоқ табақаларининг ижтимоий ҳимояланишига кафолат берилсагина, одамлар буни тушуниб етишлари ва қабул қилишлари мумкин. Бунда айрим жумҳуриятлар ва регионларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиш пайтидаги аҳволини ҳисобга олиш жуда муҳимдир. Хуллас, бозор иқтисодиётига одамларни ишонтирганимиздан кейингина, миллий розиликни олганимиздан сўнггина унга ўтиш мумкин.

Ҳурматли ўртоқлар! Съезд эътиборини кеча муҳокама қилинган масалага қаратмоқчиман. Афсуски, биз бу масала юзасидан махсус қарор қабул қилиш зарурлигига съездни ишонтира олмадик. Гап ҳозирги вақтда Ўрта Осиё ва Қозоғистон учун ғоят муҳим роль ўйнаётган ҳаётий муҳим муаммо ҳақида бормоқда. Ўз миқёслари ва оқибатлари жиҳатидан фақат Чернобиль фожиасига қиёслаш мумкин бўлган Орол зонасидаги экология фалокати ҳақида бормоқда. Экология фожиасини тубдан ҳал қилиш тўғрисида жуда кўп гапирилаётган бўлса ҳам ҳозиргача бу муаммонинг туб ечимлари йўқлиги бизни ташвишга солмоқда.

Яна эътиборни қуйидагиларга қаратиш керак. Агар фан ва мутахассислар ҳозирнинг ўзидаёқ ана шундай қарор қабул қилсалар, бу қарор Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Ўрта Осиёга оқизиш ғоясига қайтиш ҳақида бўладими ёки Каспий денгизи сувидан фойдаланиш ҳақида бўладими, ёхуд бошқа ҳар қандай қарор қабул қилинадими, уларни амалга ошириш учун камида 15—20 йил кетади. Ана шу давр ичида ҳозирдаёқ Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистоннинг 50 миллиондан ортиқ аҳолиси яшаётган ҳудудининг ҳоли нима кечади? Бир нарса равшан, агар биз қатъий чоралар кўрмасак, ҳозирнинг ўзидаёқ ўз фарзандлари мисолида яқинлашиб келаётган фалокат натижаларини кўриб турган кишилар бизни ҳеч қачон кечирмайдилар. Бунинг учун бизни келгуси авлодлар ҳам кечирмайди.

Бу регионда яшаётган оилаларда табиий нуқсонли болалар, соддароқ қилиб айтганда, ногиронлар туғилаётганлигини нормал ҳол, деб бўладими?

Сўзимнинг охирида биз Ўзбекистонда ҳаммамиз қадрлашимиз лозим бўлган асосий бойлик, съезда айтилаётган барча мақсадларга эришишнинг асосий шарти — мамлакатимизда яшаётган барча халқларнинг бирдамлиги ва ҳамжиҳатлиги эканлигини тушуниб турибмиз ва мен буни яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман. Бизнинг келажагимиз, фаровонлигимиз ана шу бирдамлик ва ҳамжиҳатликни қандай сақлаб қолишимизга боғлиқдир.

Ниҳоят сўнггиси, ўртоқлар. Биз Ўзбекистон делегациясининг аъзолари кеча алоҳида тўпланиб, съездда муҳокама қилинадиган ва ҳозир муҳокама қилинаётган барча муҳим масалалар юзасидан маслаҳатлашиб олдик. Мен делегациямизнинг фикрини айтмоқчиман: агар биз соғлом кучларни жипслаштиришни, ер куррамизда тинчлик бўлишини хоҳласак (бу ҳаммамизнинг мақсадимиз бўлса керак), агар юз берган вазиятда, такрор айтаман, айни юз берган вазиятда биз партиямизнинг мавқеи мустаҳкамланишини истасак, Бош котиб лавозимига Михаил Сергеевич Горбачевдан бошқа номзодни кўрмаяпмиз. Шу билан бирга Сиёсий бюро ҳам бўлиши керак.

Бизнинг берган баҳоларимиз ва мавқеимиз ана шундай, ўртоқлар. Эътиборингиз учун раҳмат.

Иқтисодий ислоҳот: хўжалик ҳисоби амалда



Кейинги йилларда жумҳуриятимизда фермерлик хўжаликларининг пайдо бўлаётгани кўпчиликни ажаблантирмай қўйди. Бор-йўғи 5-6 йил аввал уйида кўпроқ мол-қўй боққанлар қувғин остига олинганлиги ҳеч кимга сир эмас. Турли қарорлар, қонунлар ўз йўлига. Аммо ҳаёт ҳамма нарсанинг ўз табиий қонунлари асосида ривожланишини кўрсатмоқда. Деҳқон ерга, чорвадор уй ҳайвонларига эгалик қилмас экан, дастурхонимиз сира тўкин бўлмайди.

Шу туфайли эндиликда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирувчи оилаларга кенг имтиёзлар берилди. Авваллан чорвачиликка меҳр қўйиб келган Жиззах вилояти, Октябрь ноҳиясидаги Охунбобоев номли давлат хўжалигида истиқомат қилувчи Ширин опа Алиева оиласи 40 дан зиёд соғин сигир парваришлаб кунига давлатга 600 килограммга яқин серқаймоқ сут топширмоқда.

Суратда: оилавий ферманинг кенжа аъзоси Исроилжон Миралимов. У юмушлардан бўш пайтида севимли оти билан шуғулланмоқда.

Е. БОТИРОВ олган сурат.

Жумҳурият янгиликлари

ПАСТДАРҒОМ НОҲИЯСИДА дастлабки катта мева омбори бунёд этилмоқда. У модуль конструкцияларидан қурилади, бу эса монтаж ишларининг юқори суръатларда ва яхши сифат билан бажарилишини таъминлайди. Омборда совутиш қурилмаси ҳамда юк ортиш ишлари учун мўлжалланган механизмлар бўлиши кўзда тутилган. Лойиҳадаги мўлжалга кўра омборда 100 тонна мевани сақлаш мумкин. Ҳозирча жуда кўп миқдорда олма ва узум етиштирадиган бу ноҳияда ноҳия тайёрлаш идорасининг биттагина омбори ишламоқда, у ҳам янги омборга нисбатан ўн баравар кам мева қабул қила олади.

* * *

ТОШЛОҚ НОҲИЯСИДАГИ «Ленинград» жамоа хўжалиги деҳқонлари ўрим-йиғимни қисқа муддатларда тугалладилар. Бу ерда 200 гектар ерга буғдой экилган эди. Шу ерларнинг ҳар гектаридан ўртача 40 центнер сара буғдой олинди. Бу ғаллакорлар режалаштирганидан деярли 13 центнер кўпдир. Хўжаликдаги бу тармоқ бутунлай ижарачи звеноларга топшириб қўйилган. Меҳнатни ташкил қилишнинг янги шакли ўз самарадорлигини кўрсатди. Чунки энди деҳқонлар ҳар гектар ердан мумкин қадар кўпроқ ҳосил олишдан бевосита манфаатдордирлар. Дондан кейин ижарачилар далалардан қуритиб прессланган сомонни хўжалик фермасига таший бошладилар.

* * *

МАРҲАМАТ НОҲИЯСИДАГИ «Андижанирстрой» трестига қарашли механизациялаштирилган кўчма колонна ветеранлари пенсияга чиқаётганларида бир йўла ўттиз окладгача ҳажмда пул олишлари мумкин. Мазкур механизациялашган колонна меҳнат жамоаси кенгаши шундай қарор қабул қилди: пенсияга чиқаётган ҳар бир киши у шу жамоада неча йил ишлаган бўлса, унинг ўртача ойлик иш ҳақини шу сонга кўпайтирилгани ҳажмида нафақа олади. Ёш қурувчилар ҳам механизациялашган кўчма колонна ишлаб топган даромаддан «ўз» улушларини олишлари мумкин. Фақат ўтган йилнинг ўзида ўн нафар ёш келин-куёв бу ерда бир ярим минг сўмдан процентсиз қарз олди. Чунончи, агар оилада бола туғилса, унда қарзнинг учдан бир қисмидан кечилади. Иккинчи бола туғилганида эса қарз яна 500 сўм камаяди.

(ЎзТАГ).

ОРОЛ БЎЙИДАГИ «ЧАШМАЛАР»

«Аралсельхозводопроводстрой» бирлашмасининг меҳнаткашлари Москва давлат хўжалигида қазиган артезиан қудуғи суви чойнинг ҳақиқий уфори ҳамда таъмини тиклади. Бирлашма ишчилари хўжалик марказий қўрғонида пуркагич ўрнатдилар ва 2 километр узунликда сув қувурларини ётқиздилар.

— Биз биринчи навбатда қуриб бораётган Оролнинг соҳил бўйларида, аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш айниқса оғир бўлиб қолган ерларга шундай қурилмалар ўрнатмоқдамиз, — дейди бирлашма бош инженери К. Жақсимуротов. — Ҳозир Мўйноқ ва Тахтакўпир ноҳияларида бу борада кенг кўламли ишлар қилинмоқда. Бизнинг жамоа ўтган йили Қорақалпоғистон шимолидаги 23 та хўжаликда шундай «чашмалар»дан 90 тасини ўрнатган эди.

Биринчи ярим йилликда 110 та қурилма ўрнатишимиз керак эди. Афсуски, ниятимизга эриша олмадик. Атиги 36 та қурилмани ишга туширдик. Режаларимиз барбод бўлганлигини Макеевка, Липецк, Каменск-Уральск шаҳарларидан ускуналар етказиб берувчи ташкилотларнинг виждонига ҳавола қиламиз. Биз йил бошидан бери зарур ускуналарнинг 20 фоиздан камроғини олдик. Масалан, ўттиз тўққиз минг тонна сув қувури ўрнига атиги саккиз минг тоннага яқинини олдик.

Лекин бирлашмада ҳеч бўлмаганда йил охиригача зарур материаллар етказиб берилишига ҳамон умид қилмоқдалар. 23 та жамоа хўжалиги ва давлат хўжалигида пуркагичлар ўрнатиш учун қудуқлар тайёрлаб қўйилди. Янги ер ости сув манбаларини излаш давом этмоқда.

Қорақалпоғистон АССР.
(ЎзТАГ мухбири).

«Ёш ленинчи»га жавоб берадилар

УЙ АЖРАТИЛДИ

«Мен ёлғиз касалманд ўғлим Рустамжон билан бир неча йилдан буён ижарада яшайман. Фарзандим туғилмасдан олдин Пастдарғом ноҳиясидаги агрохимлабораторияда ишлардим. Ҳозир ҳомиладорлик таътилидаман. Оилада моддий аҳволимиз жуда оғир, — **деб ёзади Пастдарғом ноҳияси, Жума шаҳрининг Тельман кўчасидаги 55-уйда ижарада яшовчи М. ШОДИЕВА.** — Оиламизда ўғлимнинг 12 сўмлик нафақасидан бошқа даромад йўқ. 1988 йилдан буён уйга навбатга турибман. Уй беришларини сўраб кирмаган ташкилотим қолмади. Ҳаммаси «кутинг» деб жавоб беришади. Кутишнинг чеки бордир, ахир. Сўнгги умидим сизлардан. Мендай ёлғиз оналарнинг ҳам дардини тинглайдиганлар борми дунёда?»

Ушбу шикоятни халқ депутатлари **Жума шаҳар Шўроси ижроқўмига** юборгандик. Яқинда **Жума шаҳар ижроқўми раиси А. РЎЗИҚУЛОВ** имзоси билан жавоб келди.

«Ёлғиз она Манзура Шодиева Пастдарғом агрохимлабораторияси лаборанткаси, ҳақиқатан ҳам 1988 йил июнь ойидан буён Жума шаҳрида кишиларнинг уйида ижарада яшаб келаётган эди.

1989 йил 12 ноябрда М. Шодиевага Ҳамза кўчасидаги 3-уйнинг 2-квартирасида вақтинчалик яшаб туриш учун рухсат берилганди. 1990 йил апрель ойида Тельман кўчасида 20 квартирали уй қурилиши ниҳоясига етказилди. М. Шодиевага шу янги уйдан квартира ажратилди».

«ЁНҒИН»

РЎЗНОМАМИЗНИНГ 30 март (1990 йил) сонида мухбиримиз Ҳайдар Акбарнинг шу сарлавҳали мақоласи эълон қилинган эди. Унда жумҳурият кўзи ожизлар жамиятининг Тошкент вилояти Калинин ноҳиясидаги Свердлов номли ишлаб чиқариш корхонаси ишчиларининг ёмон шарт-шароитларда яшаётганлари, уйларнинг носозлиги ҳақида ёзилганди. Яқинда мақола юзасидан Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти марказий правленияси раисининг ўринбосари Н. Санатова имзоси билан қуйидаги жавоб хатини олдик:

«Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти марказий правлениесида мақолада баён қилинган масалаларни ўрганиб чиқилди ва Свердлов ишлаб чиқариш корхонаси раҳбарияти билан биргаликда ногиронларнинг уй-жойлари ва турмуш шароитларини яхшилаш учун тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Ёнғин содир бўлган уйда, ҳақиқатан ҳам капитал таъмирлаш ишлари қилинмаган. Кишиларнинг истиқомат қилиши учун тегишли санитария-маиший шарт-шароитлар бўлмаган.

«Ёнғин» мақоласи комбинат жамоаси эътиборига ҳавола этилди. Ёнғин содир бўлган уйда яшовчи уч оила халқ депутатлари Калинин ноҳия Шўроси ижроия қўмитаси томонидан ажратилган янги уйларга кўчирилди».

ЗАРУРАТ ЮЗАСИДАН ЁЗИЛГАН ШАРҲ

Шу жавоб хати билан кифояланиб қўя қолиш мумкиндир. Ахир, уч оилага янги уй берилди-ку. Агар яна йигирма оила янги уй-жойга муҳтож яшаётганлигини ўйласак, кўрилган чора-тадбирлар хамир учидан патирга ўхшайди.

Беихтиёр савол туғилади: қолган оилалар янги уйларга кўчирилиши учун албатта, яна қайсидир бир хонадонда ёнғин чиқиши, яна кимлардир оловга «ем» бўлишлари шартми?

Ўйлаймизки, ишчиларнинг ижтимоий-турмуш шароитларини яхшилаш корхона раҳбарияти, қолаверса, жумҳурият кўзи ожизлар жамияти марказий правлениеси олдида турган биринчи сонли масала бўлади.

Ёш ишбилармонлар билан учрашув

Иқтисодий ислоҳот шароитида ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатини шакллантириш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб турибди. Жамиятдан у ёки бу нарсани талаб қилиш билан бир қаторда комсомол ўз иқтисодиётини ривожлантириши зарур.

Шундай қилинса, биринчидан, ташкилот ёшларни муҳофаза қилиш, иш билан таъминлаш, уларга кўмак кўрсатиш учун ўз имкониятларига эга бўлса, иккинчидан молиявий мустақилликни қўлга киритади.

Комсомолнинг иқтисодий фаолиятини ривожлантириш муҳимлигини назарда тутиб, шунингдек, бу жараённи холис ёритиш мақсадида Тошкент вилоят комсомол қўмитаси «Ёшлар ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишда ёшларнинг хўжалик ҳисобидаги бирлашмалари роли» мавзусида матбуот конференцияси ўтказди.

«Тошкент ҳақиқати», «Комсомолец Узбекистана», «Пионер Востока», «Социалистический Чирчик» рўзномаларининг саволларига Тошкент вилояти комсомол қўмитасига қарашли ёшлар марказларининг раҳбарлари жавоб қайтардилар.

Вилоят комсомол қўмитасининг мафкуравий ишлар бўйича котиби Ш. Қосимов ҳамда хўжалик ҳисобидаги ёшлар бирлашмаси бўлими мудири В. Аульченко ёшларни ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишда ёшлар марказларининг олиб бораётган ишлари тўғрисида ахборот бердилар.

Бундай учрашувлар анъанавий бўлиб қолишига келишилди.



Инсон учун ҳаётда ҳамма нарса унинг қаерда, ким бўлиб ишлашига боғлиқдек туюлаверади. Балким тўғридир. Лекин энг муҳими қаерда, ким бўлиб ишламайлик, биринчи галда ўз касбимиз сирларини чуқур билишимиз, вазифамизни қойилмақом қилиб бажара олишимиздир. Бахт ҳам ҳурмат ҳам ана шу туфайли.

Сиз суратда кўриб турган — қиз Солмас Алиева Хоразм ипак ишлаб чиқариш бирлашмасининг ипакни қайта ўраш цехида ишлайди. У ҳалол, унумли меҳнати билан жамоада ҳурмат қозонган.

Сурат муаллифи Ж. ҚОЗОҚОВ.

МИЛЛИЙЛИК АСОСИЙ МЕЗОН БЎЛСА...

Назаримда миллий маданиятимизнинг ривожланиши аввало тарихимизни яхши билиш, ифтихоримиз ҳисобланган удумларимизни тиклаш, инсоний қадриятларимизни сақлаш, одатларимизга ҳурмат руҳини барқарорлаштириш ва энг асосийси, миллийлик билан миллатчиликнинг орасидаги фарқни нечоғлик теран англаб етишимизга боғлиқдир. Индамай қўл қовуштириб ўтираверсак, ўз-ўзидан давлат тили тўғрисидаги қонун ҳам, табиатни асраш тўғрисидаги қарорлар ҳам кучга кириб қолмайди. Бу борада жумҳурият комсомоли қилаётган ишларни маъқуллайман. Ёшларни ижодий меҳнатга ундовчи яхши, иқтидорли санъаткорларни халққа танитувчи беллашувларнинг ўтказилиши ҳам ибратли иш бўлди. Айниқса, ёш санъаткорларнинг, сўз усталари ва шоирларнинг давр талабига мос чиқишлари мухлисларни беҳад қувонтирмоқда.

Ана шундай кўриклар бизнинг вилоят, шаҳар ва ноҳияларимизда ҳам ўтказила бошланганлиги жуда яхшидир. Саралаш туридан сўнг Олтиариқ ноҳияси маданият саройида вилоят ёш ижрочиларининг «Фарғона оҳанглари» якуний беллашуви ўтказилди. Бу беллашув ёш иқтидорлар орасида умидли санъат ғунчалари мавжудлигини намоён қилди.

Иштирокчиларнинг кўпчилиги беллашувга ўзбек халқ қўшиқлари, мақомларини тайёрлаб келганлиги, аксарият миллий мусиқа асбоблари жўрлигида халқ усуллари йўлида куйлашгани мухлисларнинг олқишига сазовор бўлди. Бироқ, кўрик сўнгида ҳакамларнинг ҳукми шахсан мени қониқтирмади. Кўрикнинг олий мукофоти совриндорлари (уларнинг яхши санъаткор бўлиб етишишларига шубҳам йўқ) ака-ука Тошматовларнинг замонавий электр мусиқа асбоблари билан чиқишлари, бошқа иштирокчиларнинг миллий мусиқа чолғулари жўрлигида куйлашгани орасидаги фарқ мени қийнади. Гап фақат мусиқа асбоби ҳақида борадиган бўлса, умуман гапирмас эдим. Бироқ, ижрочилик маҳорати ҳам одил ҳукмга муҳтожлиги билиниб турди.

Албатта, замонавийлик ўз йўлига. Лекин мен жумҳурият кўрикларида Фарғона санъатини ҳақиқий ўзбек миллий санъатининг бир бўлаги сифатида кўринишини истар эдим. Бу борада Хоразм воҳасидаги ижрочилардан ўрнак олса арзийди.

Кўрикнинг қонуни шу. Кимдир ғолиб бўлади, кимдир... Лекин назаримда яхшигина истеъдод эгаси бўлган Аъзамжон Аҳмадалиевга учинчи ўрин берилиши мен каби кўпгина мухлисларни ҳам ранжитди. Ўйлаймизки, жумҳурият кўрик-конкурсларида миллийликка бундан буён кўпроқ эътибор берилади. Зеро, юқорида гап фақат бир ижрочи устида эмаслигини таъкидлашни зарур деб биламан.

Албатта, кўрик ҳакамининг ҳукми ҳукмлигича қолади. Мен фақат бир нарсани қатъий таъкидлашни истар эдим. Ўз миллатининг қадр-қимматини ўрнига қўймасдан туриб, миллий санъатни ривожлантириб бўлмайди.

Билолиддин ЖАЛОЛОВ.
Фарғона вилояти.

Бизни ўйлантираётган муаммолар

МАВҲУМЛИККА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

Яқин-яқингача кўпгина демократик эркинликдан маҳрум бўлган оддий совет кишисига тараққий этган мамлакатларда гиёҳ (наркотик)ларни тақиқлаш ёки тақиқламасликка доир баҳслар анчайин ғалати туюлаётган бўлса ажаб эмас. Ваҳоланки, бошқаларга зарар етказмайдиган хатти-ҳаракатларни жиноий ёки бўлмаса ахлоқий чегаралаб қўйиш ҳуқуқий давлатни оёқ ости қилибгина қолмасдан, шу билан бирга инсонларнинг бир-бирларига нисбатан чидамлилиги ва бирдамлигининг заволига ҳам олиб келади, деб ёзади, масалан, Трансмиллий радикал фирқадан чиққан оврўполик депутат Марко Тарадаш Испанияда чиқадиган «Эль Паис» рўзномасида.

Совет муштарийларига мутлақо ноаён бўлмиш бу оқим ҳуқуқни муҳофаза этиш халқаро ташкилоти ҳисобланади. (Италия парламентида бу ташкилот манфаатларини фаҳш фильмларда суратга тушувчи кино юлдузи Илона Сталлер ҳимоя этади). Ҳозир бу ташкилот тақиқларга қарши асосий курашчига айланди. Радикалларни фақат ишнинг ахлоқий-ҳуқуқий томонларигина қизиқтириб қолмайди. Мисол учун Трансмиллий радикал фирқанинг совет фуқаролари орасидаги 70 нафар вакилининг бири — Виктор Резунков «Кунба кун» қўлбола рўзномасида қуйидагиларни ёзади:

«Аввало гиёҳларни ишлаб чиқаришни ва тарқатишни қонунийлаштириш наркомафияга қарши ҳал қилувчи зарба бўлур эди. Бугун наркомафиянинг йиллик даромади 500 миллиард долларни ташкил этади. Бу ривожланаётган мамлакатлар қарзининг учдан бири демакдир.

Муайян солиқнинг жорий этилиши давлатга гиёҳ қабул қилишни камайтириш ва унинг сифатини оширишда анча қўл келади. Сифати деганда гиёҳ таркибидаги зарарли моддаларни мумкин қадар озайтириш назарда тутилади. Яна бу билан СПИД эпидемияси ва шу каби хавфли касалликлар тарқалишининг олди олинарди.

Ана шу йўл орқали гиёвандлик билан боғлиқ жиноятчиликка барҳам бериш гиёвандлар билан бир қаторда жабрланаётган ҳеч бир айбсиз кишиларни ҳам шу жиноятчилик таъсиридан қутқариши мумкин. Қонунийлаштириш натижасида ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари бошқа жиноятларга қарши кураш олиб боришда ҳам яхши натижаларга эришишлари мумкин.

Гиёвандларни овлашга сарфланаётган қанчадан-қанча пуллар гиёвандликка қарши тарғибот-ташвиқот ҳамда уларни даволаш учун сарфланарди.

Юқоридаги фикрлар 1988 йилнинг сентябрида Брюссельда ўтказилган халқаро давра столида шаклланди. Тақиқларга қарши курашувчи халқаро ташкилотга ҳам ўшанда асос солинганди. Бу ташкилотга Оврўпо, Шимолий ва Жанубий Американинг ўн беш мамлакатида яшовчи ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар, полициячилар, шифокорлар, социолог ва журналистлар аъзо бўлишди.

Бундан ташқари гиёҳ ишлаб чиқариш ва тарқатишни қонунийлаштириш йўлини италиялик ёзувчилар Альберто Моравиа ва Леонардо Шаша, физик Эдоардо Амальди, испаниялик драматург Антонио Гала ва бошқа таниқли кишилар маъқуллаб чиқишди. Шу жумладан, полициячиларнинг бирлашган касаба уюшмаларидек йирик ташкилот ҳам буни қўллаб-қувватламоқда. Ташкилотнинг Мадрид бўлимидаги маърузасида таъкидланганидек: «Тақиқ ва қатағон каби чора-тадбирларнинг фойдасизлиги аён бўлди».

Совет Иттифоқида ҳам гиёвандлик билан курашда куч ишлатиш усулларининг самарасизлиги исботланди, деб ҳисоблайди. В. Резунков.

Бироқ, энди мутахассислар фикри билан танишсак.

— **МЕН ҚОНУНИЙЛАШТИРИШГА МУТЛАҚО ҚАРШИМАН,** — дейди Москва жиноят қидирув бошқармасининг гиёвандликка қарши кураш бўйича бўлим бошлиғи Валентин Рошкин. — Бугун гиёҳга эга бўлмасдан иккиланаётганлар кейин гиёванд бўлиши муқаррар. Улар бошқаларни ҳам ўз ортларидан етаклайдилар. Демократик эркинлик ҳақида гап борар экан, айтиш лозимки, гиёванд фақат ўзигагина эмас, балки бутун жамиятга ҳам зиён келтиради. Мисол учун бир гиёванд қисқа вақт ичида ўн беш нафаргача кишини ўз домига тортиши мумкин.

Тўғри, қонунийлаштириш қандайдир миқдорда жиноятчиликни заифлаштиради, лекин уни батамом тугата олмайди. Биринчидан, ўзларининг гиёвандликка бўлган эҳтирос, яъни ташналикларини кўз-кўз қилишни истамайдиганлар ҳамиша топилади ва улар аввалгидек гиёҳни хуфёна топиш йўлларини маъқул кўрадилар. Иккинчидан, гиёвандларда шундай касаллик бор: улар гиёҳ миқдорини кундан-кунга оширган ҳолда қабул қиладилар. Дейлик, морфий бандаси бир йилда ампула миқдорини юзтагача етказади. Ўн ампулани у ошкора топсин ҳам, қолган тўқсонтасини-чи?

Жиноятчиликни кескин камайтирамиз, деган хулосалар ҳам унча ишончли эмас. Гиёҳнинг нархи тушди ҳам дейлик. Аммо гиёвандларга барибир пул зарур. Уни нима қилиб бўлса ҳам қаердандир топишга тўғри келади. Ҳолбуки, уларнинг кўпчилиги ҳеч қаерда ишламайди. Чунки бундайларнинг кўпи меҳнатга яроқсиз. Яна бир қарама-қарши факт: кўплаб гиёвандлар табиатан жаҳлдор бўлиб қоладилар. Талай ғайриқонуний ишларни пинак бузмай бажаришаверади. Масалан, Қозоғистонда гиёҳни сув текинга қўлга киритиш мумкин. Шаҳар четига чиққин-да, шовни (каноп) ўсимлигидан истаганингча юлиб кетавер. Шундай бўлса-да, гиёвандлар томонидан содир этилаётган ўғрилик ҳоллари камаймаётир. Аксинча, ўсаяпти.

Статистика мутлақо «тақиқловчилар» томонида. Мисол учун 1986 йили Москвада гиёвандлар томонидан 182 та жиноий иш содир этилган. Ундан кейинги йили бу рақам 130 тани ташкил этди. Ўтган 1989 йили эса янада камроқ — 119 тани.

Умуман қонунлаштириш тўғрисида жамоатчилик онги маълум даражага етгандагина гапириш мумкин. Яна бир гап. Биз гиёванд ким: жиноятчими ёки беморми, деган саволга ҳали жавоб топганимиз йўқ.

— **ҚОНУНИЙЛАШТИРИШ ТАЖРИБАСИНИНГ ҲАМ ШОҲИДИ БЎЛДИК,** — дейди Москвадаги ўн еттинчи наркологик касалхонанинг бўлим бошқарувчиси Владимир Назаров. — Саксонинчи йилларнинг ўрталаригача дорихоналарда эфедринли дорилар деярли бемалол сотиларди. Натижада эфедрин бангилиги «гуллаб-яшнаб» кетди. Сўнг эфедрин тарқатиш ва уни сотиш назорат остига олинди, бир қатор дорилар бошқаси билан алмаштирилди. Эфедрин гиёвандлиги ҳам кескин камайиб кетди. Етмишинчи йилларда коедин ва ноксеронлар билан ҳам шундай бўлганди. Ёки бўлмасам, янгигина мисолга ўтайлик. «Токсикомания». Дўконлардан, сотувдан талай кимёвий аралашмаларни йиғиштириб олиш наркологлар ишини анча енгиллаштирди.

Тиббиёт тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бу ҳеч қандай яхшиликка олиб келмаяпти. Бизда сал аввалроқ даволашнинг «зина» деб номланган ғалати усули қўлланилди. Касал одамга гиёҳ бериларди ва кундан кун унинг миқдори камайтириларди. Шундай қилинса, гиёванд дарддан фориғ бўлади, деб ҳисоблашарди. Оқибатда ҳеч қандай ижобий натижага эришилмади. Мен гиёвандларнинг исми-шарифи кўрсатилмайдиган наркологик хоналар очиш тажрибасига ишончсизлик билан қарайман. Гиёвандлар узоқ муддат касалхонада ётиб, даволанишга муҳтожлар.

Қаттиқ чоралар шунинг учун ҳам мантиқлик-ки, бизда ҳали уюшган наркомафия йўқ (ташкил топаётган тарқоқ гуруҳларни Ички ишлар вазирлиги вақти-вақти билан зарарсизлантириб туради). Қонунийлаштириш наркобизнеснинг илдизини қирқади, деган хулосалар бизнинг шароитда менга кулгули туюлади. Яширин тақчиллик ошкора тақчиллик билан алмашади, холос. Чайқовчилик эса аввалгидай қолаверади.

Қонунийлаштириш Ғарбдаги муаммолар ечими учун калит бўлишини инкор этолмайман. Ҳар ҳолда бизнинг қийшайиб қолган осмонўпар уйларимиздан кўра, ғарбдаги саришта дала ҳовличаларда тартиб сақлаш осонроқ бўлса керак.

— **БУЛАРНИНГ ҲАММАСИ ЎЙЛАБ КЎРИШГА АРЗИЙДИ,** — дея шарҳлайди халқаро ташкилот фаолиятини СССР Ички ишлар вазирлигининг гиёҳлар билан кураш бўйича бўлим бошлиғи Александр Сергеев. — Масалан, Голландияда марихуанга рухсат берилди. Агар голландларнинг гаплари чин бўлса, гиёвандлик авж олмаган, аксинча, аҳвол янада яхшиланганлиги қайд этилган.

Аммо қонунийлаштиришни ҳамма жойда ҳам қўллайвериш ярамайди. Менимча АҚШда бу йўлни тутмасалар керак. У ерда ҳозир 22 миллион киши гиёҳ қабул қилади. Гиёҳга бўлган талаб эса анча юқори. Биз ҳам бундай қадам ташлашга ҳали тайёр эмасмиз. Масалан, ароқ текин бўлди, деб фараз қилайлик. Нима, ичувчилар камаярмиди?

Бундан ташқари гиёҳларни тарқатиш ва сотишни тўлиқ назорат қилинишига сира ақлим бовар қилмайди. Шунинг учун тўлиқ қонунийлаштиришни фақат айрим мамлакатлардагина қатъий тартиб ҳукмронлигида амалга ошириш мумкин бўлса керак. Нима қилганда ҳам бу муаммо матбуотда муҳокама қилишга арзийди.

ДАРДДАН ХАЛОС БЎЛИШНИ ИСТОВЧИ ГИЁВАНДЛАРНИНГ ФИКРЛАРИ

Роман Москвага даволаниш учун келган. Винница вилоятидан. 17-касалхонада учинчи марта ётиши. «Одамни унчалик еттинчи осмонга учириб юбормайдиган кучсизроқ гиёҳларни сотиш мумкин бўлар балким, — дейди у. — Лекин ёшлар ўзларини тийиб тура олишармикан, деган хавотирдаман. Улар ҳозир айниган. Бўёқ ва яна алланима балоларни ҳидлайди. Одамларга қараш даҳшат. Қолаверса, ўзимга ҳам унча ишонмайман.

Коля Воронежда яшайди. Тажрибали гиёванд. Ҳозир ташлаган.

— «Уни бўйнимдан соқит қилганимда, кўп марта мени «жамоа»га қайтаришга уринишди. Пулинг керак эмас, игна санчсанг бўлди, дейишди. Гап мени «жамоа»дан чиқиб кетишимда эмас. Ёки гиёванд учун характерли одат — «ғамхўрлик», яъни ҳис-туйғуларни «ўз яқини» билан бирга баҳам кўришга ҳам эмас. Даҳшатлиси бошқа нарса. Гиёвандлар орасида «менга ёмонми, демак бошқаларга ҳам ёмон бўлиши шарт», дегувчилар ҳам бўлади. Агар гиёҳни машаққатсиз топишга имкон яратилса, томошани кўраверинг: гиёвандлик астрономик кўламда ривожланади.

Маълумки, барча буюк ишлар оддий бўлади. Гиёҳ ишлаб чиқариш, уни тарқатиш ва сотиш ҳам қийин эмас. Аммо бу буюк иш бўла олармикан?

Е. ДАШИНСКИЙ,
К. ИЛЬИН—АДАЕВ,
(ИМА—ПРЕСС)

«Знамя юности» рўзномасидан олинди.

Хорижадан хабарлар

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ БУХАРЕСТ. Бу ерда Румыния янги ҳукуматини мамлакат президенти Ион Илиескуга расмий таништириш маросими бўлди.

Шу муносабат билан сўзга чиққан Румыния Бош вазири Петре Роман янги ҳукумат дастурида биринчи навбатда иқтисодий соҳага тааллуқли туб ўзгартишлар ўтказиш назарда тутилганлигини таъкидлади. Жаҳон тараққиётининг ҳозирги талабларига жавоб берадиган мутлақо янги тузилмалар ташкил этиш керак бўлади. Бундай фаолиятнинг муваффақияти кўп жиҳатдан мамлакатдаги асосий демократик муассасаларни — президент ҳокимияти ва парламентни қўллаб-қувватлашга боғлиқ. Роман 20 май куни бўлган ялпи сайлов вақтида румин халқи изҳор қилган миллатнинг хоҳиш-иродасига янги ҳукумат жавоб беради, халқ ишончини оқлаш учун ҳамма ишни қилади, деб давлат бошлиғини ишонтирди.

✦ ГАВАНА. Диндорлар жамиятнинг катта қисмини ташкил этади ва улар Кубада социализм қурилишига катта ҳисса қўшишлари мумкин. Пренса Латина агентлигининг хабар қилишича, жумҳурият давлат кенгаши ва вазирлар кенгаши раисининг ўринбосари Карлос Рафаэль Родригес шу ҳақда гапирган.

Родригес мамлакат хатоларни тузатиш ва нохуш тамойилларни тугатиш даврини бошидан кечираётганлигини, диндорларнинг муҳим иқтисодий дастурларни рўёбга чиқаришдаги ҳиссаси катта салмоққа эга эканини таъкидлади. Динга сиғинадиган кишиларнинг коммунистик партияга аъзолиги тўғрисидаги масала ҳамда уларнинг сиёсий ва ижтимоий турмушдаги иштироки тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Шу сабабдан ҳозирги вақтда мазкур мавзу коммунистларнинг мажлисларида муҳокама қилинмоқда, бу мажлисларда Куба Компартияси IV съездига чақириқ муҳокама қилинмоқда, деди Карлос Рафаэль Родригес.

✦ МАНАГУА. Никарагуада давлат хизматчилари билан кўпгина саноат корхоналари ишчиларининг меҳнаткашлар миллий фронти уюштирган иш ташлаши тобора кучайиб бораётганлиги сабабли ижтимоий низолар ўткирлашмоқда. Сешанба куни маъмурларнинг иқтисодий сиёсатига қарши норозилик билдириб ўтказилаётган иш ташлаш қатнашчиларининг сони 50 минг кишидан ошиб кетди.

Меҳнаткашлар миллий фронти «барча никарагуаликларнинг манфаатларига жавоб берадиган иқтисодий йўлни ишлаб чиқиш мақсадида» ҳукумат билан мулоқот ўтказишини талаб этмоқда. Никарагуа президенти Виолета Барриос де Чаморро хоним сешанба куни журналистларнинг саволларига жавоб қайтариб, ҳукумат бу касаба уюшмаси маркази билан музокаралар олиб бормайди, деб айтди. У айни вақтда муаммо ҳал этилишига умид билдирди. «Радио Сандино» радиостанцияси Никарагуа ҳукумати вакиллари Америка Қўшма Штатларининг Манагуадаги элчихонаси ходимлари билан иш ташлаш оқибатида келиб чиққан тангликни бартараф этиш мақсадида маслаҳатлашувлар олиб боришмоқда, деб хабар беради.

✦ ПАНАМА. Панама пойтахтида Панамага Америка конгресси тасдиқлаган доирада 430 миллион доллар миқдорида дастлабки ёрдам мажмуи тўғрисида икки томонлама битимни имзолаш маросими бўлди.

Битимда яқин кунлар ичида Панама ҳукумати ҳисоб дафтарчасига 243,85 миллион доллар ўтказиш назарда тутилади. Жумҳурият ҳукумати номидан ҳужжатни имзолаган мамлакат иккинчи вице-президенти Гильермо Форд 130 миллион доллар пул Панаманинг жаҳон банкидан, халқаро валюта жамғармасидан ва Америка мамлакатлараро ривожлантириш банкидан қарзини узиш учун фойдаланилади. Шундан кейин жумҳурият ушбу молия ташкилотларидан янги қарзлар олишга умид боғламоқда.

Қолган 114 миллион доллар пул, деб хабар қилди Форд, ҳукуматнинг қишлоқ хўжалиги, маориф, соғлиқни сақлаш ва маданиятни ривожлантириш дастурини таъминлаш учун сарфланади.

✦ ЛОНДОН. Буюк Британиянинг Европа иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлган мамлакатлар миллий валюталарини сақлаб қолган ҳолда «мустаҳкам Европа валютаси» деб аталган валютани жорий этишга тааллуқли таклифлари молия вазири Жон Мейжор билан ГФЖ марказий банки президенти Карл Отто Пель ўртасида сешанба куни кечқурун ўтказилган музокараларнинг марказида бўлди. Британия молия вазирлиги вакилларининг сўзларига қараганда, учрашув «узоқ давом этган ва амалий руҳда бўлган».

Пель ва Мейжор немис валютаси, шунингдек, бошқа ўзаро манфаатли Европа муаммоларини ҳам муҳокама қилдилар.

✦ ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг бир қанча штатларида муссон ёмғирлари мавсуми бошланиши билан юқумли ошқозон-ичак касалликлари кўпайиб кетди. Бихар штатининг маъмурий маркази Патна шаҳридаги ихтисослашган касалхонада кейинги бир неча кун ичида эллик киши вабо касаллигидан ўлди. Штатнинг табобат муассасаларига шундай касалликка йўлиққан беморлар ҳамон келтирилмоқда.

Бихардаги бир қанча ноҳияларда санитария-эпидемия хизмати ходимлари вабо билан бирмунча зарарланган ичимлик суви манбаларини топиб, уларни ёпиб қўйди.

(ТАСС).



ПОЛЬША. Иккинчи жаҳон уруши даврида Гданьскдан харобалар қолганди, холос. Бироқ у яна тикланди, меъморчилик ёдгорликлари таъмирланди ва Гданьск аввалгидек гўзал, бир кўрган кишининг ёдида умрбод қолувчи шаҳарга айланди.

СУРАТДА: шаҳарнинг ҳозирги кўриниши.

В. ЛИСИЦИН (ТАСС) сурати.

ҚАРОҚЧИЛАР ҚАЙТАРИБ БЕРИЛСИН

СТОКГОЛЬМ. (ТАСС мухбири Тарас Лариохин). «Биз ҳаво қароқчилари тезлик билан Совет Иттифоқига қайтариб юборилишини қатъий равишда талаб этамиз», — деди Швеция учувчилар уюшмасининг вакили Эрик Левин «Дагенс нохетер» рўзномаси мухбири билан суҳбатда. У бу гапларни йўловчилар тушган ТУ—154 совет ҳаво кемаси яна Швецияга олиб қочилганлиги муносабати билан айтди. Агар Швеция «тайёра олиб қочувчилар эркин яшайдиган давлат» номини оладиган бўлса, бу мамлакатимиз учун жанжалга айланур эди, деб таъкидлади у.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

СПОРТЧИНИНГ МАШИНАСИ ЎҒИРЛАНДИ

● ПРОФЕССИОНАЛ БАСКЕТБОЛЧИ, «Лос-Анжелес-Лейкерс» клубининг ўйинчиси Бенойт Бенжаминнинг баҳоси 75 минг доллар турадиган «Мерседес» автомобилини ўзининг кўз ўнгида ўғирлаб кетишди. Воқеа жуда оддий содир бўлган. Номаълум бир киши америкалик бу баҳайбат баскетболчининг олдига яқинлашиб, тўппончада осмонга қараб ўқ узган ва машинанинг калитини беришни талаб қилган.

Бу воқеадан довдираб қолган Бенжамин унинг сўраган нарсасини икки қўллаб топширган. У полицияга мурожаат қилганда жиноятчининг изи ҳам қолмаганди.

ЭНГ КЕКСА ПАРАШЮТЧИ

● МАТБУОТДА ҚАРИЯ ПАРАШЮТЧИЛАР ҳақида жуда кўп хабарлар босилган. Ундайлар Францияда ҳам, Японияда ҳам, Америкада ҳам ва бошқа мамлакатларда ҳам кўп.

Италияликлар эса 99 ёшли ўз ватандошлари Марио Баррадорини ишонч билан энг кекса парашютчи деб ҳисоблашади. Бу қария ўзининг биринчи сакрашини амалга оширди. У тўрт минг метр баланддан туриб тайёра бортини тарк этган ва эсон омон ерга қўнган.

ОЛТИН АЁЛЛАР

● ЭРКАК ЎЗ СЕВГИЛИСИГА ҚАРАБ: «менинг бебаҳо бойлигим» деганда мақсадга қанча яқинлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди.

Илм-фаннинг аниқлашига кўра, ҳозирги аёлларнинг организмида эркаклар организмига қараганда 5-6 марта кўп олтин бор экан. «Тинч океан юлдузи» рўзномаси бу ҳақда хабар бериш билан бирга, аёлларнинг бурни осмонга кўтарилиб кетмаслигига маслаҳат ҳам беради. Чунки, уларнинг организмидаги заҳарли бўлган симоб миқдори эркакларникидан беш марта кўп экан. Бу аёллар характерида акс этадими ёки йўқми, олимлар ҳали аниқлашганича йўқ.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ВАТАН ФАРЗАНДЛАРИ

АСКАРЛАР ҲУЗУРИДА

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ комсомол қўмитаси ҳамда Бутуниттифоқ ёшлар туризми бюроси вилоят бўлими ташаббуси билан ҳарбийдаги йигитларимиз ҳаёти, шарт-шароитини ўрганиш мақсадида делегация ташкил этилди. Делегация аъзолари Ленин орденли Ленинград ҳарбий мавзесига қарашли қисмларда бўлиб қайтишди. Улар орасида мухбиримиз Фозилжон Шодмон ҳам бор эди.

Делегация аъзолари оз эмас, 260 нафар эди. Уларнинг аксарияти уруш даҳшатини бошидан кечирган, Улуғ Ватан уруши ветеранлари, байналмилал жангчилар, фарзандларидан жудо бўлган оналар...

Сафар олдидан Андижон шаҳридаги Октябрь майдонида митинг бўлди. Тўғриси, бу ерга расмий кишилардан ташқари турли миш-мишлардан юрак олдириб қўйган ота-оналар ҳам келдилар. Ҳар бирининг дилида бир олам тилак. Сочларига бироз оқ оралаган аёл ўзини Муниса Абдуллаева деб таништирди.

— Избоскан ноҳиясида яшайман, — деб у киши қўлимга нон тутқазди. — Ўғлимга бериб қўясиз. Айтинг, биздан кўнгли хотиржам бўлсин...

Қип-қизариб пишган нонга, чеҳрасидан нур ёғилиб турган онахонга қараб алланечук бўлиб кетдим. Узоқда туриб, фарзандига ризқ улашаётган, омонлик тилаётган онаси билан ҳар қандай ўғил фахрланса арзийди.

Буюк инқилоб бешиги — Ленинградга боргач, бизни ҳарбий қисмларга киритишга аввал рози бўлишмади. Раҳбарларимизнинг узоқ тортишувлари, мавзе қўшинлари қўмондони билан мулоқотидан сўнг рухсат беришди.

Қўлимизда даста-даста мактублар, улар орасида норозилик хатлари ҳам бор. Шу йилнинг дастлабки уч ойида вилоят ҳарбий комиссариатида бир нечта йигитнинг хизматдан қочиб келганлиги қайд этилди. Темир тобутлар оқими эса... Шу боис энг аввало қурилиш батальони томон йўл олдик. Бизга бошқарманинг қурилиш қисмлари бўйича катта йўриқчиси Геннадий Адамович Жулков ҳамкорлик қилди.

Хизматга чақирилган йигитлар В. Маринеско қабри қошида ҳарбий қасамёд қабул қиладилар. Ватанни кўз-қорачўғидек асрашга, унга содиқ бўлишга онт ичадилар. В. Маринеско Улуғ Ватан уруши йилларида Ҳарбий-Денгиз Флотида қўмондонлик қилган. Ғоят довюрак, она-Ватанга содиқ ўғлон бўлган. Унинг мардлиги туфайли 3 минг нафар фашист асирга олинган. Шубҳасиз, мардлик ҳақидаги қисса бу ердаги аскар йигитлар қалбида муҳрланиб қолган.

...Жанговар машқлар майдони. Аскарлар саф тортишган.

— Жанговарлик кўриги бўлаяпти, — изоҳ берди Геннадий Адамович. — Йигитлар қишки уст-бошларини ёзгисига алмаштирадилар.

Жанговарлик кўриги тугади. Йигитлар бизни ўраб олишди. Саломатлик, дийдор кўришув. Олис ўлкага Ўзбекистон нафасини олиб борганимиз аскарларимиз кайфиятини кўтариб юборди.

Қисмда 43 нафар ўзбек йигити бор экан. Самимий мулоқот бошланди:

— Хизматда қийналмай илож йўқ, — сўз бошлади Ғиждувон ноҳиясилик Завқиддин Сайдуллаев, — дастлабки кунларда сафда юриш, ҳарбий интизомга риоя қилиш оғирроқ кечади. Кўникиб кетдик.

— «Қариялар» хусусида нима дейсизлар?

— Яширишнинг ҳожати йўқ, — жавоб қайтарди Нурали Турдиев — «қариялар», «янгилар»га ажратиш ҳамма қисмда ҳам бор. Аммо зўравонлик йўқ.

— Мен бўлинма бошлиғиман, — суҳбатга қўшилди Маҳмуджон Усмонов. — Йигитлар озор чекса ўзимни қўярга жой тополмайман. Лекин уларни ноҳақ хафа қилишларига йўл қўймаганман. Энг муҳими, биз аҳилмиз. Дўстлигимизга ўзга миллат йигитлари ҳам ҳавас қилишади. Айтадилар-ку, «беш панжа бирикса мушт бўлади» деб. Бирликда гап кўп.

Зобитлар бизни бемалол сўзлашиб олишимиз учун ҳоли қолдирган эдилар. Кейин даврамизга қўшилишди.

— Сизларда миллатчилик қилишяпти, одам ажратилмоқда, деб кўп гапиришади. Номимизга хатлар ҳам ёзишади, —куюниб гапирди бўлинма командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари, катта лейтенант Александр Смешко. — Бу ерда эса ҳаммалари бир оиланинг фарзандларидек яшашади. Мусофирчилик шуни тақозо этади-да. Оддий мисол, ротамизда арман, озарбайжон йигитлари ҳам бор. Лекин улар бир-бирларига адоват қилишгани йўқ. Аксинча юртларида юз бераётган миллий низоларни қоралашмоқда.

Мазкур қисм қурувчилари Арманистонда табиий офат юз берганида жасорат намуналарини кўрсатишди. Иттифоқда биринчи бўлиб Арманистоннинг Пушкино посёлкасида 2 та 48 квартирали турар-жой биносини тикладилар. Энди ўзингиз айтинг, оғир кунларда елкама-елка туриб табиий офатни бартараф этган йигитлар шул дақиқаларни унутишадими? Дўстлик, байналмилалчиликка нифоқ солишадими?

Қисмда бўлганимизда аскарларнинг кўпчилиги ишда экан. Яна бир гуруҳи дам олишяпти. Зобитлар бизни аскарларнинг турар-жойлари билан таништиришди. Кейин ошхона томон юрдик. Муҳими шундаки, ошхонада ўз-ўзига хизмат услуби йўлга қўйилган. Аввалги йиллардагидек тайёр овқат бир варакайига ўн нафар аскар дастурхонига тортилмайди, энди ҳар бир аскар пештахтадан ўзига кераклисини олади.

Тушликка ош дамланди. Ўзбек паловининг ёқимли ҳиди иштаҳаларни қитиқлади. Дастурхон атрофида аския ҳам қилиб олдик. Кулгуга нима етсин. Бизнинг хурсандчилигимизга зобитлар ҳам, ўзга миллат ўғлонлари ҳам қўшипишди.

— Байрам, туғилган кунларни нишонлашда доимо ош дамлаймиз, — изоҳ берди ошпаз Уктамжон Мавлонов — миллий таомларимиз ҳаммага маъқул келади.

Делегациямиз аъзолари Нева дарёси соҳилидаги «Александр Ульянов» номли теплоходга жойлашган эдилар. Деярли ҳар куни бу ерга зобитлар, аскарлар келиб туришди. Хизматдаги ўғлонларнинг ота-оналар билан учрашувлари, суҳбатлари ҳаяжонли, айни чоғда завқли эди.

Андижон трикотаж буюмлари фабрикасининг слесарь-созловчиси Абдулҳай Нуриддинов ўғли Дилшодбекни ўз қисмидан топа олмади. У ўқув машғулоти учун имтиҳон топширгани шаҳардан ташқарига чиқиб кетган экан. Эртаси куни терлаб-пишиб кириб келди.

— Топдим, — деди у киши ҳаяжонини яширолмай. — Эртала б келади.

Дарҳақиқат, эрталаб ота ва ўғил дийдор кўришдилар. Яна денг, Ленинград ҳарбий мавзеси қўшинлари қўмондонининг ўринбосари Дилшодбекни ўқув машғулотидаги «аъло» кўрсаткичи билан қутлади.

— Ленинградга келгач рус тилида сўзлашишда роса қийналдим. Қисмимизда машғулотлар ниҳоятда машаққатли эди. Мураккаб техникани эгаллаш, сиёсий билимни ошириш осон эмасди. Ўзим бирга хизматга келган қўшни қурилиш қисмидаги йигитларга рости, аввалига жуда ҳавасим келди, — деб ҳикоя қилади Дилшод.

«Тинчгина ғишт териб юраверсам бўлмайдими» деб ўйладим. Батальон командири номига бошқа қисмга ўтказишларини сўраб рапорт ҳам ёздим.

Сергей Петрович ниманидир сезди шекилли, хонасига чақириб олиб:

— Биламан қийналяпсан. Аммо чида, ҳаммаси ўтиб кетади, — деб насиҳат қилди.

Тўғриси, мактабларимизда бошланғич ҳарбий таълим энди билсам, номигагина ўтказиларкан. Хизматга келиб буни тушундим. Рапортни уч кун ёнимда сақлаб юрдим. Кейин командирнинг ишончи, эътибори сабаб бўлдими, йиртиб ташладим. Тўғри, кечалари ухламадим, аммо унинг ишончини оқлаш учун уриндим. Мана, орадан олти ой ўтди. Ўқув машғулотлари ҳам тугади. Дастлабки имтиҳондан ўтдик.

Дилшодбекнинг ҳикоясини тинглаяпману, Абдулҳай аканинг кўзида ёш кўрдим. Бу севинч ёшлари эди. Олисда, ўзга юртдаги ўғлидан кўкси фахрга тўлган отанинг қувончи эди.

Ҳарбий қисмларда бўлиб теплоходга кеч қайтдик. Келсак йиғилиш бошланган экан. Вакилларимизнинг кайфияти йўқ. Турли қисмлардан келган аскарларнинг шикоятларини тинглашибди. Ноҳуш манзаралар. Ўртага оғир сукунат чўккан. Марҳамат ноҳиясилик Маҳаммаджон Орзиматовни аскар дейиш қийин. Бўйи 1 метру 40 сантиметр. Вазни 48 килограмм. Лекин эгнида аскар кийими. Кузги чақирувда келган.

Маҳаммаджон саккизинчи синфда ўқиётган чоғида бахтсиз ҳодиса туфайли чап оёғи синган. Кейин уни Андижон тиббий касалликлар шифохонасида операция қилишади. Уч ой тахтакачда ётгач, оёққа туради. Аммо орадан бир йил ўтгач яна соғлиғи ёмонлашиб, оёғини қийшиқ босадиган бўлиб қолади. Мактабни битириши арафасида Маҳаммаджон яна операция столига ётади. Лекин соғлиғи яхшиланиб кетмайди. Балоғат ёшидаги йигитга II группа ногиронлиги ҳақида ҳужжат ёзиб беришади. Аммо ҳужжат муддати тугаши билан чақирув қоғози келади. У ноҳия ҳарбий комиссариатига бориб дардини айтди. Лекин улар Маҳаммаджон дардини тинглашмади, армияга жўнаб кетди...

Юқоридаги воқеани батафсил баён этишдан мақсад ҳарбий комиссариат қошидаги тиббий комиссия аъзолари йигитнинг касаллик тарихи билан қизиқишлари лозим эди. Афсуски улар «тани бошқа дард билмас» қабилида иш тутдилар. «Қурилиш қисмига яроқли» деб хизматга жўнатиб юбордилар. Иссиқ ўлкада юрган йигитнинг дарди Ленинградга келгач яна «қўзиди». Оёқлари игна санчилгандек оғрий бошлади. Кейинги воқеаларни у шундай изоҳлайди:

— Санитария-тиббиёт бўлимига бориб арзимни айтдим. — «Бизни алдама, сени бўёққа соппа-соғ деб юборишган». — дейишди.

— Кечалари оғриққа чидай олмай тўлғониб чиқаман. Дўстларим оёғимни уқалашади. Гоҳида туғилганимга пушаймон бўлиб кетаман. «Қариялар» эса «айёр» деб калака қилиб, масхаралашади. «Тунда хонага сув қўйиб оёғинг билан артасан», дейишади. Бажармай кўрингчи... Ҳаммасига чидаяпман. Аммо сабрнинг ҳам чегараси бордир. Отам колхозчи. «Бирор йўлини қилинг» деб хат ёзсам, насиҳатдан нарига ўтмайди. Сизлардан ўтиниб сўрайман. Ёрдам беринглар...

Рустамжон Давлатов Андижон шаҳридаги Олтинкўл кўчасидан. Унинг ўнг кўзини тўрт йил муқаддам Андижон шаҳридаги болалар кўз касалликлари шифохонасида операция қилишган эди. Лекин армияга жўнашда комиссия аъзолари бунга эътибор ҳам беришмади.

— Ўнг кўзим умуман кўрмайди, — дейди Рустамжон, — чап кўзимнинг кўриш даражаси ҳам ёмон. Яқинда ошхонага нарядга юборишди. Қозондан кўтарилаётган буғ кўзимга таъсир қилиб умуман кўрмай қолиб, электр токини ушлаб олибман. Қаттиқ зарбадан ҳушимни йўқотдим. Санчастда ўзимга келдим. Ҳарбий врачлар «айб бизда эмас», деб чиқариб юборишди. Орадан кўп ўтмай ошхонада яна кутилмаган ҳодиса юз берди. Катта лейтенант Дирбилин келиб «сен ишёқмассан, атайлаб шундай қиляпсан» деб томоғимдан бўғди. Кейин ётқизиб олиб урди. Буни атрофимдаги аскарлар кўришди. Воқеа жиддий тус олгандан кейин у ялинишга ўтди. «Ҳеч кимга айтма» деб тайинлади.

Яқинда қисмимиз атрофидаги фуқаролар поликлиникасида тиббий кўрикдан ўтдим. Улар «хизматга яроқсиз» деб топишди...

Муроджон Мўйдинов эса Андижон шаҳридаги «Иттифоқ» кўчасидан.

— «Қариялар» мендан ҳам айб қидиришади, «Баҳоначи» деб ўйлашади, — дейди у ғамгин оҳангда бизга дардини тўкаркан. — Қани энди соғлигим яхши бўлса-ю тенгдошларимдек хизмат қилардим. Юрак касалига мубталоман. Гоҳида юрагим санчиб қолади. Нафас ололмайман. Хайрият, дўстларим ёрдам беришади. Бўлмаса...

Ногирон, касалманд йигитларнинг қурилиш қисмларида азоб чекишларига ким айбдор? Энг аввало жойлардаги ҳарбий комиссариат вакиллари. Уларнинг совуққонлиги, хизмат вазифасини суиистеъмол қилишлари ғоят қимматга тушаяпти. Энди камолга етаётган ўғлонлар мажруҳ, бир умр ногирон бўлиб қолаётир.

Биргина ўтган йилнинг ўзида Ленинград ҳарбий мавзесига юборилган йигитлардан бир қисми турли касалликларга кўра жумҳуриятимизга қайтариб юборилди...

Қурилиш батальони. Ҳарбий қурувчилар ҳақида ўйласам, қўлига супурги ушлаб кўча тозалаётган, ғишт тераётган, чанг, цементга беланиб бетон қораётган йигитлар кўз олдимдан ўтаверади.

Дарвоқе, ҳарбий қурувчи ҳукумат учун ниҳоятда арзон ишчи кучи. Ленинграддаги темир-бетон буюмлари заводидан бирида ҳисоб ходимлари билан ҳарбийларнинг иш ҳақи юзасидан таҳлил ўтказдик. Маълум бўлдики, энг яхши ишлаган ҳарбий қурувчилар ойига 130—150 сўм пул олар экан. Ўртача маош эса 90—100 сўм. Худди шу ерда ишлаётган ишчи ёки шартли жазога ҳукм қилинган шахслар эса 250—300 сўм маош олаётир. Тақсимотнинг ниҳоятда ноҳақлигини қаранг. Бунга яна шуни қўшимча қилиш мумкин, ёнма-ён ишлаётган ишчи билан ҳарбий қурувчи ҳеч қачон тенг ҳуқуққа эга эмас. Аскар ҳарбий тузукларга риоя қилишига тўғри келади. Ўйланиб қоласиз: қурилиш қисмидаги йигитлар ҳарбийми ёки мардикор сифатида ишлаётган, эгнида аскар кийими бўлган қурувчими?

Биз айрим жойларда қандайдир айб билан авахтага тушган йигитларни ҳам учратдик. Улар автоматли соқчи назорати остида юмуш бажарардилар. Ахир улар ашаддий жиноятчи эмас, тартиб бузувчилар-ку. Армияда инсон ҳурмати, қадриятига адолатсизлик қилинаётганидан афсусландик. Ҳуқуқий давлат барпо қилинаётган бир пайтда бундай салбий ҳолатлар қачон бартараф этилади? Биз зобитларга ҳам шу саволни бердик. Аммо «ҳарбий тузукларда шунга риоя қилиш қайд этилган» дейишди улар.

Қизил Байроқ орденли гвардиячи А. Невский номли қисмда хизмат қилаётган йигитлар ҳузурида бўлиб ўтган учрашувларда андижонлик хушовоз хонандалар Мирзабек Маҳмудов, Алишер Ҳожиматов, Барчиной Нурматова ижросида куй-қўшиқлар янгради. Мароқли концертлардан сўнг ҳарбий қисмдагилар мусиқа асбоблари, ўзбек тилидаги адабиётлардан юборишимизни қайта-қайта сўрадилар.

Зобитлар Александр Пелегузов таклиф қилди:

— Биз жумҳурият комсомоли Марказий Қўмитасига бу ҳақда бир неча бор мурожаат қилдик. Жавоб бўлмади. Балким, энди Андижон вилояти комсомол қўмитаси бу масалада ёрдам берар?

Биз аскарларни ҳам суҳбатга тортдик:

Маҳмуджон АБДУЛЛАЕВ, Андижон ноҳиясидан:

— Хизматга келганимга олти ой бўлди. Бу ерда жуда кўп нарсани ўргандим. Ҳарбий техникани бошқариш, созлашни. Қисмимизда миллатга қараб ажратиш, зўравонлик, хизмат муддатига кўра бир-бирини камситиш йўқ.

Ғуломжон ЙЎЛДОШЕВ, Марҳамат ноҳиясидан:

— Хизматнинг дастлабки ойлари оғир кечди. Тинимсиз машғулотлар одамни чарчатади. Аммо буларнинг беҳуда эмаслигига амин бўлдик. Айтадилар-ку «машқда қийин бўлса, жангда осон бўлади» деб.

Қисмимиз саҳнасида ўзбек хонандаларининг дилрабо куй ва қўшиқларини эшитиб дилимиз яйради. Шундай концертлар тез-тез бўлиб турса...

МУХБИР ИЗОҲИ: Зобитлар Ленинградда Гдлян ва Ивановнинг Ўзбекистондаги «жасорат»ларини киноленталарда намойиш қилинганини, «ўзбеклар ўртасида порахўрлик авж олиб кетганини кўрдик» дея сўзлаб беришди. «Сизларда адолат ва ҳақиқат йўқ» дейишди. Бундай калтабинларча ўйлаш, халқ шаънига туҳмат тошларини отишни бас қилиш керак. Ахир айрим порахўрларни деб бир халқни қорага чиқариб қўйиш қуюшқонга сиғмайди-ку!

Сафаримиз мобайнида бир неча қисмларда бўлдик. Командирлар билан мулоқот бўлди. Ечимини топиш лозим бўлган муаммолар, долзарб масалалар хусусида фикрлашиб олинди.

Эзгулик ишлари сари дастлабки қадам ташланди. Ҳар икки томон учун фойдали ўзаро яқинлик, мустаҳкам алоқа учун пойдевор пайдо бўлди. Энди ана шу хайрли ҳаракат тўхтаб қолмаслиги лозим.

Фозилжон ШОДМОН,
Аъзамжон МИРЗАЖОН
(сурат)
«Ёш ленинчи» мухбирлари.
Ленинград—Тошкент—Андижон.







СУРАТЛАРДА: Ленинград ҳарбий мавзеси қисмларидаги учрашувлардан лавҳалар.

ЁДГОРЛИК ОЧИЛДИ

Ф. Энгельс номидаги Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти француз тили куллиёти талабалари савоб ишга қўл урдилар. Улар шу куллиётда таҳсил кўрган, қўшни Афғонистонда ўз «байналмилал» бурчларини ўташ вақтида ҳалок бўлган Бахтиёр Одилов, Баҳодир Сапоев, Саъдулла Ражабовлар хотирасига атаб ёдгорлик лавҳаси ўрнатдилар.

Бу ташаббус шу йилнинг апрель ойида бўлиб ўтган комсомол қўмитасининг йиғилишида ўртага ташланган эди. Барча талабалар бу таклифни бир овоздан маъқуллаб, ўз стипендияларидан бир қисмини ёдгорликни бунёд этиш учун кетадиган маблағ ҳисобига ўтказишни илтимос қилдилар. Чунки ўн гулидан ҳали бир гули очилмай умри хазон бўлган йигитлар агар тирик бўлганларида бугун ана шу талабалар сафида юришарди. Минг афсуски, уларнинг «чекита» афғон тушди. Ўзбекистонга эса омон-эсон қайтиш насиб этмади...

Куллиёт ҳовлисига ўрнатилган ёдгорликка уч баҳодирнинг номлари ўйиб битилган. Марҳумлар хотирасини эъзозлаш, ёд этиш биз тирикларнинг муқаддас бурчимиздир. Шундай экан, мазкур институтда бошланган бундай хайрли ташаббус жумҳуриятимизнинг бошқа жойларида ҳам қўллаб-қувватланиб, амалга оширилса яхши бўларди...

Б. ЖАЙЛОВОВ,
З. ҲАҚБЕРДИЕВА.

БЕЗОВТАЛИК

Ҳурматли редакция! Биз ўзбекистонлик аскарлар ўз она тупроғимиздан анча олисда бўлсак-да, унинг ширин соғинчи-ю, дард-ташвишларига ҳамнафас бўлиб яшаяпмиз. Она халқимизнинг қувончига шерик, аламига ҳамдардмиз. Айниқса кейинги пайтда содир бўлган Фарғона, Уш фожиалари бизларни жуда ташвишга солаяпти. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даҳшатларни эшитиб, ҳайратдан ёқангни ушлайсан киши. Айниқса армияда содир бўлаётган кўнгилсиз воқеалар-чи! Булар учун ким айбдор! Бундай низоларнинг ўз-ўзидан келиб чиқмаётганига, қандайдир нияти қора бўлган гуруҳларнинг қўли борлигига шубҳам йўқ. Ҳеч замонда туркий миллат ва элатлар бир-бирининг қонини тўкканми!

Ҳозирги кунда армия ҳақида одамлар орасида ноҳуш кайфиятлар кун сайин ошиб бораяпти. Энди кўпчилик ота-оналар ўз фарзандларини суюниб эмас, балки кўнглида бир хавотир билан хизматга кузатмоқдалар. Бу безовталиклар бежиз эмас. Энди халқ билан армия ўртасида бузилиб кетган кўприкни бутунлай қайта тиклаш пайти келди. Халқни алдаб бўлмайди. Ҳар бир йигит ўз элига, меҳрибонлари қучоғига соғ-саломат қайтиб келсин...

Тоҳиржон ЙЎЛДОШЕВ,
Красноярск ўлкаси,
«Н» қисм.



Аскарлик... Икки ёҳуд уч йил ҳарбий ҳаётга кўникиб, чидаб яшашнинг ўзи бўлмайди. Мусофирчиликда ўз уйини, ёр-биродарларини қўмсамайдиган одам кам топилса керак. Ҳарбий интизомга риоя қилиш эса шарт. Аммо аскарликнинг ҳам ўзига яраша «сирли қонун»лари бор. Булар кўпинча қурилиш батальонларида сезилади.

Сиз кўриб турган суратдаги йигитлар бу гал махсус рухсатнома билан белгиланган вақт мобайнидагина барча ташвишлардан қутилиб, эркинлик ҳавосидан нафас олишади. Бундай учрашувлар эса аҳён-аҳёнда бўлиб туради...

(ТАСС суратлавҳаси).

Жасорат

МАШАҚҚАТЛИ ДОВОНЛАР

Урушда энг ёмони панадан туриб отиш. Орқангдан душман пойлаб турганини сезмайсан-да. Душман мўлжалига тушиб қолдингми, бас, тирик қолиш даргумон. Ўша кунги жанг ҳам даҳшатли эди. Тоғу-тошлар оралаб душманни чалғитиб турган бизнинг десантчилар жуда оғир аҳволга тушиб қолишди. «Дух»лар пулемётчиси унча-мунчага адашмасди.

Ҳикмат Йўлдошев ўқ тегиб йиқилди. Жаҳонгир дўстига қараб эмаклай бошлади. Улгуролмади. Лаънатилар сезиб қолишди. Бош кўтартиргани қўйишмади.

— Мени тўсиб тур! — дея қичқирди Жаҳонгир сержант Ломали Хасуевга қараб. Ўзи қўлида граната билан ҳалиги «ҳеч тинчлик бермаётган» пулемётчига яқинлашиб бора бошлади. Хайрият, граната нақ мўлжалга тегди. Овоз ўчди. Десантчилар пастга қараб югуриб кетдилар. Қурол олиб бораётган катта душманлар карвони қўлга олинди.

Бу пайтда Жаҳонгир тошлар устида беҳуш, қонга беланиб ётарди...

Взвод командири, катта лейтенант С. Литвинов штаб билан боғланиб, аҳволни тушунтирди. Тезда тиббий ёрдам зарурлигини айтди. Старшина Сергей Грушко ҳамда кичик сержант Аҳмад Дабогоев Жаҳонгирнинг кўкрагини боғлашди. Сўнгра вертолётлар овози эшитилди.

Орадан кўп вақт ўтмади. Жаҳонгирни жарроҳлик столига ётқизишди. Операциядан кейин хирург оҳиста бош чайқади: «Ҳалиям, хайрият, худо бир сақлабди, юрагига бир миллиметрча қолибди-я, ўқ тегишига?...»

Жаҳонгир Тошкент вилоятининг Тўйтепа шаҳридан. Отаси Акбар ака Солиҳов «Тошводстрой» трестида шофёр. Онаси Мавлуда опа уй бекаси. У оилада учинчи ўғил. Катта ўғил Анваржоннинг ҳаёти ҳарбийга боғланди. Ленинграддаги ҳарбий билим юртини тугатиб, ҳозир узоқ Шарқда — Владивостокда, ҳарбий ҳаво кучларида хизмат қилаяпти.

«Жаҳонгир-чи?» дейсизми? У муаллимликни танлади. Бу касбни у анча мулоҳазалардан сўнггина ёқтириб қолди.

Жаҳонгир икки йиллик ҳарбий хизмат туфайли ўқишини кечиктирди.

— Ўқув взводи, подъём!

Янги келган аскар болалар икки қаватли кароватлардан ўзларини пастга отдилар. 45 секундда кийиниш. Бирортаси сал кечикса борми, яна ҳаммаси бир бошдан бошланади. Армия ҳаётига кўникиш ҳам осонмас.

Жаҳонгирга сипоҳи акаси Анвар қўлида орттирган «тажриба»лари афғонда жуда қўл келди. Ёш бўлса ҳам кўп нарсага улгурди.

«Жасурлиги учун» медали ва «Қизил юлдуз» ордени унга қандай берилганини сўрашнинг ўзи ноқулай. Хизматига яраша берилганда. Булар ҳам кам уларга...

— Биз — афғондан қайтиш насиб этганларнинг дўстларимиз руҳи олдида қарзимиз беҳисоб, — дейди Жаҳонгир. — Айниқса, подполковник Н. Портнягин олдида. Катта лейтенант Г. Бақоевни айтмайсизми... Раҳматли Жалолобод шаҳри остонасида ёш аскарларни ҳимоя қиламан деб ўз жонини қурбон қилди. Бугун қалбимиз тўрида қаҳрамонларча ҳалок бўлган лезгин йигити Магомед Магомедов, грозниилик чечен сержант Ломали Хасуев, нальчиклик қабардин, кичик сержант Аҳмед Дабогоев, доғистонлик Зубриддин Кожиболаев, мурманcклик кичик сержант Валерий Лукьянов ва взвод командиримиз, катта лейтенант С. Литвиновлар хотираси абадий яшайди...

— Ўзбекистонга 1985 йили қайтиб келдим, — дейди Жаҳонгир. У ёқда бизнинг бирортамиз миллат ажратмасдик. Барчамиз «Совет иттифоқчиликлар» ҳисобланардик. Лекин, барибир қандайдир гап-сўзлар бўлиб турарди, яширмайман. Арзимайдиган икир-чикирлар эдида.

— Кичик сержант Магомед Магомедовни эсласам, — дея хотирлайди Жаҳонгир. — Ҳайратга тушаман. Эндигина борган аскарларни қийнашса, у чидаб туролмасди. Командирлар билан жуда қаттиқ тортишиб қоларди. Кўпинча катта лейтенант Ефимов билан ёшларга мураббийлик қилишарди.

Аммо, жанговар операцияларга иккаласи доимо бирга боришарди. Улар энг сўнгги жангда ҳам бирбирини ташлаб кетмадилар. Группа пистирмага дуч келиб қолади. Икковлон қолган дўстларини қуршовдан чиқиб олишларида ўз ҳаётларини хавф остига қолдириб бўлса-да, тўсиб туришади. Бир пайт командирининг ўқ еб йиқилганини кўриб қолган Магомед ўзини тутолмади. Унга қараб югуради. Қутқариб қоламан деб ўйлаганда, бечора, ўзи ҳам автомат ўқларига дуч келиб...

Жаҳонгир Солиҳов сукутга чўмади. Энди бўлак саволлар беролмайман. У шундоқ ҳам эзилиб кетаяпти.

— Ҳозир дўстларим билан хат ёзишиб турибмиз. Тез-тез кўришамиз. — Биласизми халқимизда шундай гап бор: «Юз кун ёлғиз яшагандан кўра бир кун бўлсаям ёру-дўстларинг билан дардлашганга не етсин». Тўйтепага қайтгач, ўзимга ўхшаган «байналмилал» аскарлар ноҳиямизда уч юзга яқинлигини билдим. Бирлашиб уюшма туздик. 1987 йили ўзимизнинг слётимизни ўтказдик. Қилинадиган ишларимизни белгилаб олдик. Ҳозир мактабда муаллимлик қилаяпман...

Ғ. ҒАФУРОВ.



Дугоналар.

В. ҲАЙДАРОВ суратлавҳаси.

Таҳрирсиз жавобталаб мактублар

«КАТТА»ЛАРГА ЁҚМАДИ, ЧОҒИ

Қайта қуриш шарофати билан ҳар бир жабҳада ўзига хос янгиликлар, ўзгаришлар бўлаяпти. Лекин қайта қуриш бизнинг Шредер номли давлат хўжалигининг Парғуза қишлоғига етиб келмаганга ўхшайди. Менинг назаримда совхозда «сен менга тегма, мен сенга» қабилида иш юритилмоқда.


Қишлоғимизда ичимлик суви йўқ, десак ҳам бўлади. Чунки қишлоқ кўчаларининг икки жойида водопровод бор, холос. Шу водопроводлардан гоҳида сув келади, гоҳида эса йўқ. Сув келганда ҳам занг сув келади. Одамлар иложсизликдан машиналарда олиб келинган сувдан сотиб олиб ичадилар.

Шу йил 19 март куни қўшни Тўқмангит қишлоғи билан бизнинг Парғуза қишлоғимиз «Қувноқлар ва зукколар» конкурси ўтказишди. Бу конкурснинг «Муаммо, муаммо, муаммо» шартида конкурс иштирокчилари қишлоғимиз муаммоларини батафсил очиб ташладилар. Аммо хўжалик маъмурияти томонидан сайланган ҳакамлар эса бизнинг муаммомиз ёқмади, шекилли, камайтириб баҳолашди. Ачинарлиси шундаки, бўлиб ўтган конкурсдан сўнг, қишлоқда ҳеч қанақа ўзгариш сезилмади.

Парғуза эса қачон обод бўлади? Қишлоқ хароб, одамлар сарсон бўлиб юраверадими?

Шаҳзода ҚУРБОНОВА,
Қашқадарё вилояти, Қарши ноҳияси.

Диққат, янгилик!



ТАРИХ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Кейинги вақтда тарихга қизиқиш кучайиб бормоқда. Мозийнинг биз учун қоронғу бўлган даврларини чуқур ўрганишга ҳаракат қилиняпти. Бу борада тарихчилар билан бир қаторда кенг жамоатчилик ҳамкорлиги муҳим бўлаётир.

1988 йилда «Ўзбекистон тарихчилар жамияти» тузилган эди. Унинг аъзолари ўз олдиларига ўлкамиз тарихининг кам ўрганилган соҳаларини ёритиш, шунингдек бу борадаги билимларни кенг тарқатишни мақсад қилиб қўйишганди. Тарихчилар жамияти ўз олдига қўйган вазифаларни амалга ошириб, доимий равишда таниқли олимлар ва ўлка тарихининг билимдонлари билан учрашувлар, тарихимизнинг мунозарали ва чалкаш даврлари ҳақида давра йиғилишларини ўтказади.

Жамиятнинг йиғилишларида тарихчилар, шарқшунослар, файласуф ва тилшунослар, руҳонийлар, ривожланаётган Африка давлатларининг вакиллари, талабалар ва қизиқувчилар қатнашдилар.

Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон, жаҳоннинг шундай бир нуқтасидирки, унда турли халқлар тарихи ва маданияти ўзаро чатишиб кетгандир. Жаҳон маданияти ўчоқларидан бири бўлган Ўрта Осиё дунёга ўзининг олимлари, ажойиб меъморий ёдгорликлари билан машҳурдир. Бугунги авлодга эса боболаримиз қолдирган йирик меросни асраб-авайлаш ва сақлаш вазифаси юклангандир.

Ўзбекистон тарихчилар жамияти ўз ўлкаси тарихи учун жон куйдирувчи, унинг эртаси учун бефарқ бўлмаган, кўпмиллатли Ватанимизнинг тақдири учун қайғурувчи ҳаммага — илмий ходимлар, ўқитувчилар, аспирантлар, талаба ва мактаб ўқувчиларига мурожаат этиб, уларга ўз жамиятлари сафларига киришни таклиф қилади. Тарихчилар жамияти аъзоси бўлиб Сиз жумҳуриятда тарих фанининг қўлга киритаётган ютуқлари, олимларни ўйлантираётган муаммолар ҳақида маълумотларга эга бўлиш билан бирга ўлкамиз ўтмишини ўрганишга баҳоли-қудрат ўз ҳиссангизни қўшишингиз мумкин.

Сизни қизиқтираётган масалалар бўйича қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилинг: **700083, Тошкент шаҳри, «Правда» газетаси кўчаси, 41-уй. ЎзССР ФА тарих институти. Ўзбекистон тарихчилар жамияти. Телефон: 32-26-44.**

Ёшлар ижоди



Ш. Мусаев 1965 йилда Андижон вилоятининг Ширмонбулоқ қишлоғида туғилган. ТошДУ журналистика куллиёти 5 курс толиби.

Ҳикоялари жумҳурият матбуотида эълон қилинган.

ТУЙҒУ

(Ҳикоя)

Ётоқхонанинг тўртинчи қаватидаги икки кишилик хона. Деворда талабадошларнинг жамоа сурати. Четроқда бир чети дарз кетган ойна жойлашган. Балконга чиқиладиган эшик, унга ёпишган дераза ланг очиқ, эски парда тортилган. Саратон кирганидан иссиқ авжида, қуёш аямай атрофни қиздиргандан қиздиради. Диванда ётавериб зериккан Исажон ўрнидан туриб ҳелпингандай бўлди. Сўнгра телевизор устидаги соатга қараркан «сал иссиқ қайтганда магазинга чиқардим» деб ўйлади. Сўнгра ўзини ланж сезганидан озгина машқ қилмоқчи бўлди. Бесўнақай гавдасини олдинга чўзиб, икки қўлини ёнига ёзди-да, жойида ярим доира ясаб, айланиб кўрди. Бироқ бу ҳам ёқмади шекилли яна жойига чўзилди. Чўзилди-ю, дарров хаёл элитди.

Бир ҳафтадан кейин — йигирма еттинчи июнь куни отасининг туғилган куни. Шу куни эрталаб поезддан Қўқонга тушади-да, уйига кириб боради. Эрта тонгдан ҳовлида одам гавжум, чунки отасининг туғилган куни, яъни юбилей тўйи. Катта темир дарвозалари ланг очиқ — қисқаси тантана. Ҳамма ўз иши билан банд. Ҳавоям ҳар кунгидан мусаффо. Фараҳбахш кун бошланмоқда. Қолган-қутган шабнам томчилари ҳам қуёш нурлари таъсирида кўкка учади. Яланг тоза супурилиб сув сочилган. Кираверишдаги бостирма остида фалакнинг гардиши билан қачонлардир Японияга бориб келган қўшни эндигина сўйилиб, тўсинга осилган кўк қўчқорнинг терисини шилмоқда. Уни қўни-қўшниникидан чиққан болалар ва ўзининг жиянлари ўраб олишган.

— Японияда, — дейди қўшни катта бурнини қўлининг орқаси билан артаркан, болаларни оғзига қаратиб, — қўйларни сўйиш автоматлаштирилган. Шартта кнопкани босасизларда бемалол чиллак ўйнаб юраверасизлар. Гўшт бўлса ўн минутда тайёр. Яна атта дадаларинг чорсичорси пулга зўрға оладиган машиналар жуда арзон. Магнитафон бўлса сув текин, умуман цивилизация зўр-да...

Қўшни Японияга боргандан буён ҳар гапга ўша ердан битта мисол келтирмаса тура олмайдиган бўлиб қолган. Шунинг учунми катталар унинг сўзларига парвосиз. Болалар ҳам унчалик тушунишмайди-ю, бироқ уларга қўйнинг пуфаги керак, шунинг учун ўтиришибди.

Унинг қачон гапдан тўхташини кутиб турган Исажоннинг онаси тоқати тоқ бўлиб:

— Ҳой қўшни, — дейди ўпкалаш билан, — тезроқ қимирласангиз-чи! Ҳадеб Япония, Япония деявермай. Ҳозир сомсага гўшт керак.

Онанинг сўзларидан қўшнининг ҳам жаҳли чиқади.

— Японияда, — дейди жиддийлик билан ўнг қўлини қилич қилиб, — аёллар умуман эркакларнинг ишига аралашмайди.

Ҳовлидагилар бир-бирларини туртиб, «бошланди» дегандай имо қилишади. Маҳалладагилар Япония ҳақида минг маротаба эшитган бўлсалар-да, ҳурмат юзасидан маҳалладошининг сўзларини бўлмай тинглашади.

Шу орада қовоғи солиқ, атрофдагиларга ўпкалаш билан қараб уйқусираган Илҳомжон нариги уйдан чиқиб келади.

— Ўғлим, — дейди уни кўрган онаси, — бор айнонай, тезда молингга даладан ўт юлиб келгин.

Бу гапдан Илҳомжоннинг янаям кайфияти тушиб кетади. Сўнгра онасига йиғлагудай қараб «Ҳали, Исажон акам келгач териб келай», дейди.

Кичик ўғилнинг гапларидан сўнг она сукутга толади. Ҳа-ҳа, шундай бўлади. Ич-ичига ботиб кетган кўзлари бир нуқтага қадалади-да, унда Исажоннинг сурати пайдо бўлади. Ана, у ҳар доимгидай уялинқираб, оппоқ костюм-шими, кичкина оқ галстуги салобатига салобат қўшиб кириб келади. Йигит ҳар сафар уйдагилари билан хайрлашиб автобусга ўтираётганидаёқ онасининг қарашидан соғиниб қолаётганини ҳис қилади. Айтмоқчи, нега онаси ҳеч туғилган кунини нишонламайди. Байрамлардаям ҳеч қандай совғага муҳтож эмас. Ишқилиб бизлар соғ-саломат бўлсак бас. Худодан доим шуни тилайди. Ҳали элликка кирмай сочларининг оқариб кетганлигиям куйинчаклигидан бўлса керак.

— Ая, — дейди шу пайтда Мақсуда. Кўпинча уйига борганда уни ўша синглиси кўриб қолади. — Ана акам келаяпти, суюнчи беринг!

Ҳовлидагилар дарвоза томонга қарашади. Қўлида совғаси билан Исажон кириб келяпти...

— Бу сафар, албатта, олиб бораман.

Исажон йил бошидан буён шу орзунинг илинжида юрибди. Орзуси дадасининг туғилган кунига ўзиникидай оппоқ костюм-шим олиб бориш. Тўрт йилдирки, ўғил отасининг туғилган кунига совға олмоқчи. Айниқса, бу йил обормаса бўлмас. Шундай Тошкенти-азимда ўқийдиган фарзанди қуппа-қуруқ келибди-я, демайдими кўрганлар.

...Исажоннинг хаёли бўлинди. Кўзи телевизор устидаги соат ёнида турган севгилисининг расмига тушгач, ўтган йилги шу вақтни эслади. Ўшандаям у совғага пул йиққанди, бироқ ўзи учун дунёда ягона бўлган лола юз қизнинг туғилган кунига сарфлаб қўйганди. Бугун эса у қиз курсдошлари билан Ленинградга кетмоқда... У йил бўлмаса мана бу йил олиб бораяпти-ку дадасига ўша совғани.

Йигит ясан-тусан қилиб ташқарига чиқди. Кун ҳалиям иссиқ бўлсада, ҳар қалай шабада йўрғаларди. Шундай бўлса-да қизиган асфальтдан кўтарилаётган иссиқда юриш мушкул. Бироз тураверсам бўларкан, деб ўйлади-ю, бироқ кечки пайт талабадошларини тайёрагоҳга кузатишга чиқиши кераклигини ўйлаб, ортига қайтмади. Тиқилинч автобусда магазинга етгунча нафаси қайтаёзди, тердан кўйлаги ҳўл бўлди.

Магазинга киргач, қийналганлари ҳам ёдидан кўтарилиб, совға излай бошлади. Мана ўша тўрт йилдирки орзу қилгани элликинчи размердаги оппоқ костюм-шим. Унга қараб тураркан юраги ўйнаб кетди,. Кувончи чексиз эди шу пайтда. Хаёл яна уйига кўчди. Ана дадаси, ичкаридан ўзиникига ўхшаш оппоқ либосда чиқиб келди. Юзида чексиз миннатдорчилик акс этган. У ўғлига қандай ташаккур изҳор қилишни билмай турибди. Ота-ўғил бир хил кийимда бир-бириларига жуда ўхшашлигини кўрган атрофдагилар уларга ҳавас билан қарашади. «Қанийди бизнинг болаларимиз ҳам шундай совғалар олса», деб ўйлайди ҳовлидагилар. Фақат қўй сўяётган қўшнигина отдан тушсада эгардан тушмайди.

— Бизда-ку Японияники топилмайди. Жилла қурса бошқа давлатнинг костюм-шимини олганда тузук эдида, чиқимлигига гап йўқ, — дейди у. Атрофдагиларнинг ўзига ғалати қараганини кўргач, тилини тишлаб қолади. Ота-ўғил ёнма-ён юришиб, айвондан сўрига тушишади. Уларни кўрганлар қай бири ота, қай бири ўғиллигини ажратишолмайди. Худди бундан эллик йил муқаддам Султонбой ота битта эмас, иккита Абдураҳим деган ўғил кўргандай.

— Ўқишинг яхшими, болам? Нима қилардинг овора бўлиб? — дейди ота гап тополмай, тутилиб. Ўғил эски уст-бошини кийгани ўз хонаси томон кетаркан, секин бош силкиб қўяди.

— Ўқиш Японияда зўр-да, — бояги ўринсиз гапидан пушаймон бўлган қўшни яна ўртага суқилади, — студентлариниям прапессир дейди кўрган киши.

...Исажон совғани магазиндан олиб чиқиб, троллейбусга ўтирдида ортга қайтди. Иссиқнинг тафти қайтмаган, бироқ троллейбусда одам камроқ эди. У бўш ўриндиқлардан бирига ўтириб атрофни кузатиб келаркан, зўр иш қилдим, деб ўйлади. Рост-да, отаси қачонлардан буён фарзандларимни ўқитаман, кийинтираман деб ўзига қарамайди. Айниқса, онаси хурсандлигидан кўзига ёш олади.

— Болам-эй, сен оиламизда ҳаммамиздан бошқачасан. Ўзинг ўқияпсан-ку ҳеч қуруқ келмайсан. (Аслида тўрт йилдан буён энди совға олиб келиши).

Ётоқхонага яқинлашганда нарироқда турган бир тўп йигит-қизларнинг кулгусини эшитди. Улар орасида Зуҳро юлдузидай кўзга ташланиб турган севгилисини кўрди. Негадир кўринмай кетавераймикан деб ўйлади-ю, бироқ кўнгли бўлмади. Қўлида совғаси билан яна автобусга чиқишга мажбур бўлди. Йўл бўйи «қизи» билан гаплашиб кетди.

— Отамга совға олдим, яқинда юбилейлари, — деди йигит завқ билан ва қизнинг қўлидан тутганди, у уялиб кўзларини олиб қочди. Бизнинг хаёлпараст қаҳрамонимиз эса аллақачонлар уйига севгилиси билан кириб борган-у, карнай садоларидан қулоғи том битиб ўтирибди.

...Зўр иш қиляпман, — деб ўйлади у кўнгли шод бўлиб. Ниҳоят-а, оппоқ костюм-шим... нақадар ярашади дадасига! Оқ қоралаган сочлари, оқиш юзига, атрофдаги оппоқ гулларга бурканган табиатга нақадар мос тушади. Дарҳақиқат зўр иш қиляпти. Ростда, отаси фарзандларимни ўқитаман, кийинтираман деб ҳеч ўзига қарамайди, тўғриси, орттиролмайди.

Қизчи, у нималарни ўйлайди? «Қанийди ҳозир қаршимдан дадалари оппоқ костюм-шимда келаётган бўлсалар, беихтиёр Исажон акамлар экан деб чопиб борган бўлармидим... Кийимларимиз ўхшашлигидан келинимга ўғлим бўлиб кўрингандирман дейдилар-да у киши. Вой шарманда...!»

Сўнгги бекатга етиб келишди. Қуёш уфққа равона бўлган, осмондаги бир-икки булут парчаларини қизғиш рангга бўяган эди. Исажон хаёлларидан чалғиб «тушамиз, келдик» деди қизга. Ва совғани олиш учун ёнига, бояги киши ўтирган томонга ўгирилди. Бироқ... у ерда на совға, на одам бор эди.

Йигит севгилисини Ленинградга кузатиб ортига қайтаркан, уни яна хаёл қурмағур судраб кетди: ана, у отасининг туғилган куни қуппа-қуруқ сўппайиб кириб келди.

— Ие, ака, совға олмабсиз-ку, — дейди Илҳомжон кўришмаёқ ҳайрон бўлиб.

— Японияда, — гапга қўшилади қўшни кўкрагини кериб, — йигитлар отасининг туғилган кунига ноёб совғалар олишади.

— Айнонай болам, соғ-омон юрибсан эканми, шунинг ўзи катта совғада бизга! — Унинг ёнини олади онаси.

Исажоннинг эса туриши ўша-ўша, тушкун кайфиятда, қарашлариям ғамгин.

— Совға олувдим, — дейди у бирдан бақириб, — опкелолмадим... Ўғирлашди, номардлар.

Орага оғир сукунат чўкди. Ҳамманинг йигитга ичига ачийди. Қачонлардир Японияга борган маҳмадона қўшни аҳволни шарҳлайди:

— Японияда буюминг кўчада қолсаям биров тегмайди. Ўғрилар йўқ-да...

Шуҳратжон МУСАЕВ,
ТошДУ толиби.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВА ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ
1990—1991 ЎҚУВ ЙИЛИГА

Талабалар қабул қилади

Институтда кундузги, кечки ва сиртқи бўлимлар бўйича мутахассислар тайёрланади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Институтда қуйидаги факультет ва ихтисосликлар мавжуд.

Автомобиль транспорти факультети қуйидаги мутахассисликлар бўйича мутахассислар тайёрлайди: автомобиллар ва автомобиль хўжалиги.

Автомобиль транспорти эксплуатацияси ва иқтисоди факультети қуйидаги мутахассисликлар бўйича мутахассислар тайёрлайди: йўл ҳаракатини ташкил этиш; транспортда юк ва пассажирларни ташишни ташкил этиш ва уни бошқариш; транспорт иқтисоди ва уни бошқариш.

Автомобиль йўллари ва қурилиш механизациялаш факультети қуйидаги ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлайди: автомобиль йўллари ва аэродромларни қуриш; кўприклар ва транспорт тонеллари; кўтаргич-транспорт ва йўл қурилиш машиналари ҳамда жиҳозлари.

Кечки автомобиль транспорти факультети қуйидаги ихтисосликлар бўйича ишдан ажралмаган ҳолда мутахассислар тайёрлайди: автомобиллар ва автомобиль хўжалиги; транспортда юк ва пассажирларни ташишни ташкил этиш ва уни бошқариш; транспорт иқтисоди ва уни бошқариш.

Кечки йўл-қурилиш факультети қуйидаги ихтисосликлар бўйича ишдан ажралмаган ҳолда мутахассислар тайёрлайди: автомобиль йўллари ва аэродромларни қуриш; кўприк ва транспорт тонелларини; кўтаргич-транспорт ва йўл қурилиш машиналари ҳамда жиҳозлари.

Сиртқи факультет қуйидаги ихтисосликлар бўйича ишдан ажралмаган ҳолда мутахассислар тайёрлайди: автомобиллар ва автомобиль хўжалиги; транспортда юк ва пассажирларни ташишни ташкил этиш ва уни бошқариш; автомобиль йўллари ва аэродромларни қуриш; кўприклар ва транспорт тонеллари; кўтаргич-транспорт ва йўл қурилиш машиналари ҳамда жиҳозлари.

ЎҚИШ МУДДАТИ: кундузги бўлимда — 4 йилу 10 ой; кечки ва сиртқи бўлимларда — 5 йилу 10 ой.

ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ:

Қабул қилиш ҳақидаги ариза институт ректори номига белгиланган шаклда ёзилади.

Аризага қуйидагилар илова қилинади: ўрта маълумот ҳақида ҳужжат (асл нусхаси); меҳнат дафтарчасидан ёки колхоз аъзоси дафтарчасидан маълумотнома (ишлаётганлар учун); 086/У форма бўйича тиббий маълумотнома; 3x4 катталикдаги 6 та фотосурат.

Ўқишга кирувчилар қабул комиссиясига ҳужжатларни топширганда паспорт, ҳарбий билет ёки гувоҳномани шахсан кўрсатадилар.

Кечки бўлимга ҳужжатлар Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятининг шаҳар яқинида жойлашган ноҳияларида яшовчилардан, ҳамда танланган ихтисосликлар бўйича ишловчилардан қабул қилинади.

Сиртқи бўлимга кирадиганлар аризалари яшаб турган жойи ва юртига танлаган ихтисосликлари бўйича топширишлари мумкин.

ИНСТИТУТГА КИРУВЧИЛАРДАН АРИЗАЛАР ҚУЙИДАГИ МУДДАТЛАРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ: КУНДУЗГИ БЎЛИМГА — 16 июлгача; КЕЧКИ БЎЛИМГА — 2 августгача; СИРТҚИ БЎЛИМГА — 2 августгача.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ:

Институтга кирувчилар **МАТЕМАТИКАДАН** (ёзма), **ФИЗИКАДАН** (оғзаки), **ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТДАН** (ёзма) имтиҳон топширадилар.

Математика ва физика фанлари бўйича ўтказиладиган имтиҳонлар асосий конкурсли бўлиб, бу балл системасида баҳоланади, она тили ва адабиётдан имтиҳон эса икки балл асосида «қониқарли» ва «қониқарсиз» тарзда баҳоланади.

Агар абитуриент СССР халқларидан бирининг миллий тилида ўрта мактабни тугатган бўлса, ўз ҳоҳишига биноан она тили ва адабиётдан ёзма иш ўрнига рус тилида диктант ёзиши мумкин.

Кириш имтиҳонлари кундузги бўлимда 16 июлдан 2 августгача, кечки ва сиртқи бўлимларда 2 августдан 16 августгача.

Ўрта мактабни олтин (кумуш) медаль, ўрта махсус ўқув юртини ёки ўрта профессионал-техника билим юртини имтиёзли диплом билан тамомлаганлар фақат математикадан (ёзма) имтиҳон топширадилар. Бу имтиҳон «беш» баҳога топширилган тақдирда, кирувчилар қолган имтиҳонлардан озод қилинадилар.

Агар «4» ёки «3» баҳо олинса, қолган ҳамма фанлардан имтиҳон топширадилар.

Ўрта махсус маълумоти бўлган ва ўз ихтисосликлари бўйича бир йилдан ортиқ ишлаган кишилар кечки ва сиртқи бўлимларнинг тегишли ихтисосликларига махсус суҳбат натижасига асосан имтиҳонсиз қабул қилинадилар. Бу хилдаги абитуриентлар учун ҳужжатлар **27 августгача** қабул қилинади.

СУҲБАТЛАР 30 ВА 31 ИЮЛДА ЎТКАЗИЛАДИ.

Суҳбатдан ўта олмаганлар умумий қоидаларга кўра кириш имтиҳонларини топширадилар.

Сиртқи факультет қошида «Автомобиль йўллари ва аэродромларини қуриш» мутахассислиги бўйича инженерлар тайёрловчи қисқа муддатли (4,5 йил) ўқув бўлими мавжуд бўлиб, унга қабул қилинувчилар 1215, 1216, 1219 ва 1221 — мутахассисликлари бўйича ўрта махсус ўқув юртини тамомлаган ҳамда шу соҳа бўйича ишлаб турган бўлишлари ва уларнинг иш стажлари 2 йилдан кам бўлмаслиги шарт.

Бу бўлимга кириш учун, юқорида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча ишчилар коллективи кенгаши томонидан берилган йўлланма топширилиши лозим.

Қисқа муддатли бўлимга кирувчилар махсус комиссия суҳбатидан ўтадилар.

Суҳбат 4—6 июлда ўтказилади.

Кириш имтиҳонлари ўрта мактаб программасига мос бўлиб, СССР халқ таълими Давлат комитети тасдиқлаган программаларга мувофиқ ўтказилади.

Кириш имтиҳонлари топширишга рухсат этилганларга иш жойидан белгиланган тартибга биноан иш ҳақи сақланмаган ҳолда 15 календарь кун отпуска берилади (олий ўқув юртига бориш ва қайтиб келиш вақти бунга кирмайди).

Институтга қабул қилиш СССР таълими Давлат комитети тасдиқлаган қоидаларга биноан ўтказилади.

Институт манзили: 700000, Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 20-уй.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р. — 04665. Д. — 23496.

ТВ

7 ИЮЛЬ — ШАНБА
ХАЛҚАРО КООПЕРАЦИЯ КУНИ

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув. 10.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Иқбол». 11.30 «Оналар мактаби». 12.00 «Қонун барчага баробар». 12.40 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Соҳибжамол Ойсулов ҳақида». Бадиий фильм («Қозоқфильм»). 13.50 «Офат ва нажот». 14.20 «Деҳқон юмушлари». 14.50 «Халқ ижодиёти».

Тижорат кўрсатувлари

15.30 «Меҳнатим элга манзур». Андижон вилоятидан кўрсатув. 16.05 «Шўртаннинг ўнинчи баҳори».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Тенгдошлар». Бевосита мулоқот. 19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 **КПСС XXVIII съезди кундалиги**. 20.15 «Оқшом эртаклари». 20.30 Москва. «Вақт». 21.30 «Жаҳонгашта эрурсан, «Баҳор». Мусиқий кўрсатув. 22.00 «Ҳафтанома». 22.40 «Жаҳонгашта эрурсан, «Баҳор». Мусиқий кўрсатувнинг давоми. 23.10 «Умид». Бадиий фильм. 2-серия. 00.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II
ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Савту калом». Адабий-мусиқий кўрсатув. 9.55 «Ойни этак билан ёпиб бўлмас». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. (рус.). 10.55 «Мовий шаҳарлар». Фильм-концерт. 12.25 «Дельфин ҳайқириғи». Бадиий фильм.

17.50 Кўрсатувлар тартиби. 17.55 «Дельфин ҳайқириғи». Бадиий фильм. 19.30 «Новости». 19.50 «Светофор». Октябрятлар учун кўрсатув. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Руҳафзо» Асадулло Атоуллоев куйлайди. 22.00 «Ахбор». 22.20 «Тожикистон ССР Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади». 22.25 «Фарҳанг ва ҳунар». Жумҳурият маданий ҳаёти янгиликлари.

МТ I

6.00 «120 минут». 8.00 «Маданиятли кооператорнинг иқрори». Телевизион ҳужжатли фильм. 8.35 «Онам, дадам ва мен». Бола икки ёшга тўлганда. 9.05 «Сароб». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 10.10 «Йил фасллари». Июль. 11.10 «Бурда моден» таклиф этади... 11.45 «Партнер». Тижорат хабарномаси. 12.15 «Мўъжизасиз мўъжизалар». 13.15 «Ўз юртининг пайғамбарлари». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазият ҳақида («Лентелефильм»). 14.20 «Ўн иккинчи кеча». Москва «Современник» театрининг фильм-спектакли. В. Шекспир пьесаси асосида. 16.55 «Сиёсий мулоқотлар». 17.55 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда. 18.15 «Халқаро панорама». 19.05 Н. Губенко фильмлари. «Дам олувчилар ҳаётидан» («Мосфильм»). 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурснинг тантанали ёпилиши. Консерваториянинг Катта залидан олиб кўрсатилади. 21.45 Долзарб интервью. 22.00 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати. 22.15 Оммавий куй янгиликлари. «А» программаси. 23.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. 3-ўрин учун матч. Италиядан олиб кўрсатилади.